№ 9 (2578) - son

Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

2009-yil

P J Sh Ya D S Ch P J Sh Ya D S Ch P J Sh Ya D S Ch P J Sh Ya D S Ch P J Sh
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31

Yanvar

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta ✻ E-mail: ishonch-doverie@mail.ru ✻ Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



Тохиржон НОРКУЛОВ олган сурат

Мен сени тушундим, сени англадим,
Гурс-гурс қадамингнинг гурсин тингладим.
Олис мозийдаги оғир жангларим
Бугун печак тортиб лолалар очган,
Энди ҳаётимдан нолалар қочган.

Овозинг жаранглаб ёрар тоғларни,
Кулгинг яйратмоқда эрам боғларни.
Аҳдинг йўлга чорлар беморсоғларни,
Кўнгиллардан қувиб ҳасратдоғларни —
Босган изларингни хуш кўрдим фарзанд,
Борар манзилингни туш кўрдим дилбанд.

Анонс

Пиримқул Қодиров ҳақида сўз
4-бет

Ўғлим йўқ деб ўксинманг, ота!
5-бет



Ширин касаллик
13-бет

Сафар олдидан
14-бет

РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев 22-23 январ кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

Ҳамкорлик самарали бўлади

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Д.Жаҳонгирова олиб борди.

Федерация кенгаши раиси пленум иштирокчиларига 2008 йилда касаба уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот бераркан, ўтган йилларда қўлга киритилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан вазифаларни белгилаб берди.

— Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари IV қурултойи ва юқори касаба уюшма ташкилотларининг қарорлари бошланғич ташкилотларга етиб бориши устидан қатъий назорат ўрнатиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш, қишлоқ меҳнаткашлари манфаатларини ҳимоялаш, жамоа шартномаларига киритилган тадбирларнинг бажарилиши, иш ҳақларининг ўз вақтида берилиши, аъзоларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, иқтисодиётда юз бераётган янгиланишлар асосида касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш борасида қатъий чораларни амалга оширишимиз лозим, — деди ўз сўзида Д.Жаҳонгирова.

Йиғилишда иштирок этган Хоразм вилояти ҳокими О.Оллаберганов сўзга чиқиб, Федерация кенгаши раиси томонидан вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва тармоқ касаба уюшма ташкилотлари олдига қўйилган масалалар ниҳоятда улкан аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси бўлиб ишлаб келган Марат Юсупов ўз аризасига биноан вазифасидан озод қилинди. Бирлашма кенгаши раислигига Раҳимберган Матрасулов сайланди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Маҳсулотлар барчага манзур

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга кундан-кун эътибор кучаймоқда.

Тожибой Содиқов узоқ йиллар Гулистон шаҳридаги новвойхонада фаолият кўрсатган эди. Турмуш ўртоғи билан маслаҳатлашиб, оилавий тадбиркорликка қўл урди. «Нортўра ота» хусусий фирмасини ташкил этди. «Пахтабанк»нинг Гулистон тумани бўлимидан кредит олиб, нон пиширадиган печ, хамир қорадиган иккита қозон ва нон қолипларини сотиб олди.

Шу тариқа қишлоқда ишсиз юрган беш киши ишли бўлди. Цехда иш уч сменада ташкил этилди, бу ерда тайёрланаётган нон ва қандолатчилик маҳсулотлари қисқа фурсатда доимий харидорларини топди.

Фирма раҳбари Тожибой Содиқов айни кунда ишлаб чиқариш қувватини ошириш тадоригини кўрмоқда.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

«Наманганмаш» ОАЖ вилоятдаги таниқли корхоналардан саналади. Унда ишлаб чиқарилаётган задвижкалар халқаро андозаларга мос бўлиб, мамлакатимиздагина эмас, Россия, Украина, Беларус, Қозоғистон саноатида ҳам кенг қўлланади. Шунингдек, бу ерда халқ истеъмол молларининг кўплаб тури тайёрланади.

Меҳнатларимиз эътирофи

Ўтган йилда маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бунинг эвазига бир неча киши давлат мукофотини олди. Жумладан, механика-таъмирлаш цехи ишчиси Юрий Бойка «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Корхонада ишчилар учун яхши шароит яратиб берилган. Ошхонада овқатлар сифатли ва арзон. Профилакторийда ходимлар вақти-вақти билан саломатлигини тиклаб олади. Вилоятимизнинг Нанай қишлоғидаги «Машинасоз» дам олиш маскани ёзда корхона ихтиёрида бўлади. Ўтган ёзда 70 нафар ходим, шунингдек, уларнинг 50 нафар фарзанди оромгоҳда дам олди. Касаба уюшма қўмитаси ва маъмурият корхонада узоқ йиллар ишлаб пенсияга чиққанлар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга мунтазам кўмак кўрсатиб келмоқда.

Иномжон БУРХОНОВ,
«Наманганмаш» ОАЖ цех бошлиғи,
«Фидокорона меҳнатлари учун» ордени соҳиби

Ёшлар ишли бўлди

Жиззах шаҳар «Бандликка кўмаклашиш маркази» шаҳар прокуратураси билан ҳамкорликда ўтказган «меҳнат ярмаркаси»да ўттиздан зиёд корхона, ташкилот ва муассаса бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Унда асосан олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаган ёшлар иштирок этишди.

— Мен ушбу тадбирда қатнашиб ишли бўлдим, — дейди мамнунлик билан Темур Нормуродов. — Мана шу йўлланма билан Жиззах аккумулятор заводида ишлайдиган бўлдим.

Ўтган йили вилоятда тўрт минг нафар ёш янги иш ўрни билан таъминланди.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Биргаликда ишлаймиз

Ёзёвон тумани деҳқон бозорида 1 кг. мол гўшти нархи 7000 сўмга кўтарилган эди. Туман ҳокимлиги, Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси, бозор маъмурияти ҳамда «Восита савдо» корхонасининг ҳамкорликдаги фаолияти натижасида 4800 сўмгача пасайтирилди.

Бунга асосан рақобатни кучайтириш орқали эришилди. Аввал эса аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш соҳасида бундай натижа қўлга киритилган эди. Ушбу идоралар бошқа масалаларда ҳам келгусида ҳамкорликни кучайтиришга келишиб олдилар.

М.РАҲМАТОВ,
АСМ ходимлари Ёзёвон туман кенгаши раиси

Олтинсой туманида тажрибали боғбонлар кўп. Шулардан бири — Аҳмад Мажидов. У «Янги турмуш» фермер хўжалигига раҳбарлик қилади. Хўжалик асосан узумчиликка ихтисослашган бўлиб, 42 гектар майдонда сархил узумлар етиштиради. Яқинда ерлари яна 33 гектарга кенгайди. Ўтган йилги совуқ қаттиқ таъсир этиб, тинимсиз меҳнат, қайта-қайта суғориш ва ўғитлаш эвазига токлар қайта жонланди.

Иш билганга...

Боғбон хўжалик ишларидан ташқари томорқасида ҳам тер тўкиб ишлайди. Фарзандлари, умр йўлдоши унга кўмакчи. Ҳозир 6 сўтих ерда барпо этилган иссиқхонадаги 80 туп лимоннинг айни етилган пайти. Харидор борса, Аҳмад ака сахийлик билан икки-уч килосини текин қўшиб беради.

— Бу мавсум ҳосил ҳар йилгидан бироз кам бўлди, — дейди у. — Чунки 2008 йил бошидаги совуқдан ғафлатда қолдик. Иссиқхонанинг икки томони очиқ эди. Ёпдигу барибир совуқ ҳукмини ўтказди. Битта лимон бозорда икки минг сўмгача, биз донасини минг сўмдан сотяпмиз.

Олтинсойлик Менгқобил Маматқуловнинг ҳам хонадонига кирсангиз, лимон ҳиди димоққа урилади. Тажрибали боғбоннинг айтишича, кичкина лимонарийдан камида 2 тонна лимон чиқади. Бунинг устига харидор ҳар дона лимонни тортишиб ўтирмай олиб кетаяпти. Келаётган 3,5-4 млн. сўм даромад эса рўзғорга асқотади.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

Андижон — аҳолининг зичлиги бўйича нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёда олдинги ўринда туради. Шу боис бу ерда аҳоли бандлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири. Жорий йилда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Чекка ҳудудларда ҳам касаначи ва ҳунармандларнинг меҳнатини рағбатлантириш, уларни доимий иш билан таъминлашга эришилди.

Аёллар шижоати

Марҳаматнинг Қорагургон қишлоғида момиқ тўқувчи аёллар илгари тарқоқ ҳолда фаолият юритган бўлса, эндиликда улар унитар корхонага бирлаштирилиб, хом ашё келтириш ва тайёр маҳсулотни сотиш билан боғлиқ муаммолардан қутилишди. Асакадаги Кужгон қишлоғи фуқаролари ҳам «Парпи саховати» паррандачилик фермер хўжалиги билан жўжа етиштириш бўйича меҳнат шартномаси тузиб ишлашмоқда. «Рубертраст», «Хўжаобод спорт буюмлари», «Ўзбек—Турк шериклари», «Ўзбекистон-GM» қўшма корхоналари мисолида ҳам касаначилар фаолияти равон йўлга тушиб олганлигини кўриш мумкин.

Булоқбоши туманидаги «Элга хизмат» масъулияти чекланган жамиятида бугун 128 нафар касаначи меҳнат қилади. Уларнинг 78 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Уйда якка тартибда фаолият юритаётган касаначилар, ҳунармандчиликнинг турли соҳаларида, чеварчилик, тўн тикиш, гилам, арқон тўқиш, косибчилик билан шуғулланмоқда. Туманда меҳнат шартномаси асосида касаначиликни ташкил этиш ҳисобига 214 та, жумладан, 129 та аёллар учун иш ўринлари яратилди.

— Аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастурига кўра, 9 ой давомида 2146 та янги иш ўринлари пайдо бўлди, — дейди туман бандликка кўмаклашувчи марказ раҳбари Қ.Тожибоева. — Уларда, айниқса, хотин-қизларнинг янги иш ўринларига эга бўлгани қувонарлидир. Бу иш ўринларининг аксарияти микрофирмалар ва кичик корхоналар очиш эвазига ташкил этилди.

Мавжуд муаммони ҳал қилишда меҳнат бозорларининг ҳам ўрни катта. Шу кунгача 1310 нафар аҳоли ишга жойлашди. Шунингдек, бандликка кўмаклашувчи марказга мурожаат қилганларнинг 1955 нафарининг мушкули осон бўлди. Айниқса, ёшларга иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Булоқбоши қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Малоҳат Абдуллаева гилам тўқиш сирларини мукаммал эгаллаган ёшлардан. У беш нафар ёш қизларни ишга олиб, ўз уйида гилам тўқишни йўлга қўйди.

Бугун Малоҳат ва унинг шогирдларига «Элга хизмат» МЧЖда меҳнат дафтарчаси очилган.

Хуллас, бугун Андижонда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида янги қўшма корхоналар ва хусусий корхоналарнинг очилиши аҳолини иш билан таъминлашга имкон яратмоқда.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Маҳалла азалдан ўз-ўзини бошқаришнинг асоси бўлиб келган. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг маҳаллаларнинг нуфузини оширишга катта аҳамият берилди. Жиззах вилоятидаги кўплаб маҳаллаларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Шу ўринда «Маҳалла ҳақиқатан ҳам тарбия марказими?» деган саволни ўртага қўймоқчимиз. Тўғри, бугун маҳалла гузарларида халқимиз учун барча қулайликлар яратилган. Лекин уларда фарзандларимиз бўш вақтини мазмунли ўтказадиган объектлар бармоқ билан санарли ёки умуман йўқ.

Маънавиятда бўшлиқ бўлмаслиги керак

Маҳаллаларда айни пайтда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилган. Уларнинг асосий вазифаси аёллар, ёшлар ва болалар билан тарбиявий ишларни олиб боришдир. Ўз ишининг устаси бўлган маслаҳатчилар билан бирга асосий вақтини маҳалла раисининг топшириғини бажариш билан ўтказадиган ходимлар ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Афсуски, кўп маслаҳатчиларнинг иш режаси хўжакўрсинга тузилган.

Тўғри, бу маълум маънода педагог-олимларимизнинг ҳам камчилиги. Чунки таълим-тарбия масканлари учун кўпгина дастур, дарслик, қўлланма яратилгани ҳолда маҳалла маслаҳатчилари учун деярли ҳеч нарса йўқ.

Биз қуйида маслаҳатчилар учун айрим тавсиялар бермоқчимиз. Аввало «Маҳалла тарбиячиси қандай одам бўлиши лозим?» деган савол туғилади. Бу лавозимга имкон даражасида маҳалла шароитини яхши биладиган, иложи бўлса катта педагогик тажрибага эга, халқ билан тил топиша оладиган ташкилотчи шахслар жалб этилса.

Маҳалла маслаҳатчиси олдига қуйидаги вазифалар қўйилади:

— маҳалладаги ҳар бир оиланинг рисоладагидай ривожланишига таъсир кўрсатиш;

— педагогик ва психологик билимларга эга бўлиш ва уларни амалда қўллаш;

— маҳалла ёшларининг камоли учун шароит яратиш;

— маҳалла аҳли орасида имкон даражасида соғлом муҳитни вужудга келтириш;

— ёшларнинг фаоллигини оширишга эришиш;

— тарбияси оғир болалар бўлган хонадонларни аниқлаш, улар билан индивидуал иш олиб бориш;

— маҳалла болалари тарбиясида мактаб, ота-она ва жамоатчилик ҳамкорлигини уюштира олиш;

— аҳолининг эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

— Ўзбекистон қонунларини яхши билиш;

— маҳалладаги иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларга кўмаклашиш;

— ногирон болаларга ёрдам бериш;

— ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишини ташкил этиш;

— оилавий низоларни бартараф этиш.

Шу ўринда, маслаҳатчиларнинг шахсига қандай талаблар қўйилишига тўхталсак. У аввало юксак педагогик одобга эга бўлмоғи зарур. Зеро, буюк педагог В.Сухомлинский таъкидлаганидек, «Ўқитувчи ўз ўқувчисида қайси хислатни кўрмоқчи бўлса, ўзи шу хислатга эга бўлмоғи лозим».

Маслаҳатчининг қўлидан келмайдиган иш бўлмаслиги керак. У одамлар билан муомаланинг энг яхши ва таъсирчан шаклини танлаб олиши талаб этилади.

Бу каби вазифаларни бажариш осон эмас. Маҳалла маслаҳатчиси турли характер, дунёқарашдаги одамлар билан иш олиб боради. Шундай экан, маслаҳатчининг одамлар руҳиятига таъсир этишининг технологиясига қисқача тўхталамиз. Фанда бу *психотерапия* деб юритилади. Бу фан психология ва тиббиётнинг кишилар руҳиятига ижобий таъсир кўрсатиш йўлларини ўзида мужассамлаштирган. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳамма соҳада ҳам кишилар руҳиятини яхши тушуниш муваффақиятга олиб келади.

Руҳий таъсир ижобий натижа бериши учун қуйидагиларга риоя қилиш лозим:

— ишонч;

— педагогик назокат, одоб;

— ҳамдард бўла билиш;

— қалбга йўл топиш;

— кишиларни руҳлантириш.

Руҳий таъсир кўрсатиш натижасида шахс ўзини тушунади ва ўзи ҳақида қайғуриш ҳисси пайдо бўлади, келажакни ўйлай бошлайди.

Олимлар руҳий таъсир этишнинг қатор йўналишлари ва услубларини ишлаб чиққан. Булар:

1. Ўйин орқали (ўйин терапия).

2. Мусиқа орқали (мусиқий терапия).

3. Китоб орқали (адабиёт).

4. Суҳбат орқали (логотерапия).

5. Санъат воситасида (ортерапия).

6. Чин дилдан суҳбат (чисталтерапия).

Шахсни тўлиқ ўрганиш ва унинг дилини очиш учун қуйидагилар зарур:

1. Ёпиқ саволлар. Қисқа жавобларни талаб қилувчи саволлар. Булар асосан «ҳа» ёки «йўқ» шаклида бўлади. Бу усул шахс ҳақида тегишли маълумотларни тўплаш, муаммо моҳиятини англашга ёрдам беради.

2. Очиқ саволлар. Одатда, улар «Нима?», «Нима учун?», «Нега?», «Қандай қилиб?» каби сўзлар билан бошланиб, тўлиқ жавобларни талаб қилади. Бу усул шахсни суҳбатга чорлайди, шахс ва тарбиячи ўртасида баҳс юзага келишини таъминлайди.

3. Кичик рағбатлантириш. Шахс фикрини қўллаб туриш, ҳамфикр бўлиш, уни маъқуллаш. Бу усул ҳимояни давом эттиришга ёрдам беради.

4. Шахс фикрига аниқлик киритиш. Шахс фикридаги айрим тушунмовчилик ва қарама-қаршиликларни аниқлаштириш. Бу орқали шахсга уни тушунганлигини англатади.

Ёшлар фақат маҳалла таъсири остида ривожланади дейишнинг ўзи хато бўлур эди. Улар бир қатор омиллар таъсирида ҳам бўлади. Булар жумласига шахс, микрофактор (оила, мактаб, боғча), мезофактор (ҳудуд, матбуот, муҳит), макрофактор (мамлакат, жамият, давлат), мегафактор (коинот, сайёра, бутун олам)ларни киритиш мумкин.

Буюк чех педагоги Ян Коминский болалар ривожланишини даврларга бўлди ва тарбияда уларнинг хусусиятларини ҳисобга олишни тавсия этди.

Бу даврларда қандай салбий кўринишлар болага таъсир кўрсатади?

Ҳомиланинг ривожланиш босқичида: касал ота-оналар, ичкиликбозлик, бетартиб турмуш тарзи, онанинг тўйиб овқатланмаслиги, ота-онанинг салбий руҳий ҳолати, тиббиёт хатоси, экологик муҳит.

Мактабгача ёшдаги босқичда: касаллик ва жисмоний жароҳат, ота-онанинг ёмон хулқи, ота-онанинг боладан юз ўгириши, оиланинг камбағаллиги, болалар муассасаси ходимларининг бағритошлиги, тенгдошларининг ўзларига қўшмаслиги, қўшниларнинг салбий таъсири.

Кичик мактаб ёшидаги болаларда: маънавий бузуқ ота-оналар, ўгай ота-оналар, иқтисодий ночорлик, асранди болалар, ёмон ривожланган нутқ, ўқишга тайёр эмаслик, ўқитувчи ёки тенгдошларининг ёмон муносабати, ёмон болаларнинг таъсири, жисмоний жароҳат ва нуқсон, мунтазам ҳақоратлаш.

Ўсмирлик босқичида: ичкиликбозлик, ота-онанинг маънавий бузуқлиги, камбағал оила, таъқиқланган филмларни кўриш, ота-она ва ўқитувчининг хатоси, чекиш, гиёҳвандлик, мажбурлаш, ёлғизлик, жиноий гуруҳларга жалб қилиниш, оиланинг тез-тез кўчиб туриши, ота-онанинг ажралиши.

Ўспиринлик босқичида: ижтимоий номақбул оила, камбағаллик, ичкиликбозлик, наркомания, фоҳишабозлик, эрта ҳомиладорлик, жиноий гуруҳларга жалб қилиниш, келажакка ишончсизлик, ёлғизлик, ҳиссий омадсизлик (биринчи муҳаббат), сирдош ҳамфикрни топмаслик, ишсизлик, хўрланиш, жинсий омадсизлик, ота-она эътиборининг йўқлиги, ўқишни давом эттиришнинг иложи йўқлиги.

Таъкидлаб ўтганимиздек, бола тарбиясида оила катта рол ўйнайди. Маҳалла маслаҳатчиси оиланинг мустақил, ота-оналар билан бирга яшайдиган, фарзандли, иқтисодий ночор, асранди болали, ногирон болали, кўп болали, байналмилал оила каби турларини, албатта, ҳисобга олиб, иш кўриши лозим.

Ҳар бир маслаҳатчи маҳалланинг инфраструктура паспортини тузиб олиши керак. Бу паспорт қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Маҳалланинг харита-схемаси (уйлар, дўконлар ва бошқа объектлар).

2. Атроф-муҳит ҳақида маълумот.

3. Моддий муҳит ҳақида маълумот.

4. Аҳолига тавсифнома.

5. Оилаларга тавсифнома.

6. Ёш оилалар тавсифномаси.

7. Балоғатга етмаганлар ва ёшлар тавсифномаси.

8. Жиноятга мойил шахслар тавсифномаси.

9. Ижарада яшовчилар ҳақида маълумот.

Фикр-мулоҳазаларимиздан муштарийлар маҳалла маслаҳатчисининг вазифаси фақат шарт-шароит ва оилани, аҳолини ўрганиш экан деган хулосага келмаслиги керак.

Маҳалла тарбия маркази экан, унинг маслаҳатчиси ҳудудда ўтадиган барча маданий тадбирларга бошқош бўлмоғи мақсадга мувофиқдир.

Маҳаллаларда кўплаб мутахассислар яшайди. Маслаҳатчи уларни оммавий тадбирларга жалб этса, уларнинг самарадорлиги янада ошган бўларди.

Маҳалла болалари ўртасида бадиий ҳаваскорлик, спорт мусобақалари, ҳунармандчилик, устоз-шогирд анъаналарини ривожлантириш ҳозирги кун талабидир.

Ёшларни шаҳар, қишлоқ ва маҳаллалар тарихи билан таништириш уларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашнинг асоси ҳисобланади. Болаларни саёҳатга олиб бориш ҳам фойдадан холи бўлмас эди.

«Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичма-босқич бажарилишида фуқароларнинг ўзиниўзи бошқариш органларининг ўзига хос ўрни бор. Мамлакатимизда йўлга қўйилган оила-маҳалла-мактаб ҳамкорлигининг замирида ҳам эзгу мақсад мужассам. Унга эришиш эса ҳар биримиздан ишимизга юксак масъулият билан қарашни талаб қилади.

Х.ФАЙЗИМУРОДОВ,
педагогика фанлари номзоди, доцент.
А.ҚАЮМОВ,
Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси

Ishonch 2009-yil 22-yanvar
№ 8 (2578)

Пиримқул Қодиров ҳақида сўз

Пиримқул Қодиров ҳақида 1961 йилда биринчи марта отамдан эшитган эдим. У киши «Пиримқулнинг китоби чиқипди. Бекободдаги китоб дўконида сотилаётган экан», деб шошиб чиқиб кетдилар-да, тушдан кейин «Уч илдиз» китобини кўтариб келдилар. Шу кундан бизнинг уйда «пиримқулхон»лик бошланди. Қиш туни узоқ. Ўртага эллигинчи лампа чироқ осилган. Кечки овқатдан сўнг сандал атрофида отамни пойлаб ўтирамиз. У киши молҳолни тинчитиб келгач, пўстинини елкасига ташлаб алоҳида жиддият билан токчадан оқ дуррагача ўралган китобни оладилар ва қироат билан ўқий бошлайдилар. Ўтган қишда «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Балогардон», «Интизор» достонларини шу тахлит «хатм» қилган эдик. Мактабда ўқитувчиларимиз бу тахлит китоб ўқишни «интонация» билан ўқиш деб тушунтиришган. Кейин билсам «Қуръон» шундай қироат билан ўқилар экан.

Отам боблар орасида чой ичиб нафас ростлаш учун тўхтаганида онам шундай катта китоб ёзган ҳамқишлоғидан фахрланиб, Пиримқул Қодировнинг ҳам Бекобод металлургия заводида ишлаб, ҳам бемор отасига қарагани, отаси қазо қилгач, у кишининг маракасини ўтказиб, Тошкентга «ўн йиллик» ўқишга кетгани ҳақида ҳикоя қилиб берган эди. Пиримқул аканинг Москвага катта ишга кўтарилиб кетгани ва гўёки айрим бахил кишилар «қулоқнинг боласи» деб юмалоқ хат ёзишганидан кейин яна Тошкентга қайтгани ҳақида «гаплар»ни ҳам ўшанда эшитганман.

Пиримқул Қодировнинг 80 йиллик юбилейи тантанасида Ўзбекистон Қаҳрамони, катта шоиримиз Абдулла Орипов «Уч илдиз»дан улғайган авлод ҳақида тилга олиб ўтдилар. Маълум маънода биз ҳам ўша авлодга мансублигимиз билан фахрланамиз.

Ўтган аср етмишинчи йилларининг биринчи ярмида Ўзбекистон Миллий университетида бўлган учрашувда Пиримқул ака «Юлдузли тунлар» романидан лавҳа ўқиб берган эдилар. Биз талабалар бу китобнинг босмадан чиқиши нима учундир чўзилиб кетаётгани, унинг атрофида қандайдир, совуқ гаплар ўрмалаб юргани ҳақида эшитган эдик. Шунинг учун ёзувчига алоҳида хайрихоҳлик билан муносабатда бўлганмиз.

Пиримқул Қодиров, энди билсам, китобининг халқчил асар эканини кўпчиликка етказиш учун туғилган ҳар бир имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилган экан. Бир тасаввур этинг: Ўзбекистон, Тожикистон, Ҳиндистон, Покистон ва Хуросоннинг Бобур ўтган ерларини пойи-пиёда кезиб, неча кутубхоналарнинг ҳужраларида тарихий манбаларни элакдан ўтказиб ёзган асари қайси бир мутасадди ўртоқнинг бир оғиз сўзи билан уч-тўрт йил тўхтатиб қўйилса... Шунда ҳам тушкунликка тушмай, худди китобининг беназир қаҳрамони Мирзо Бобур каби катта мақсад, эзгу ният учун тинмай курашган ёзувчини бир кўз олдингизга келтиринг. Қиёфасида толиқиш, чарчоқ бўлгани билан у кишининг қора кўзларида ўт, олов ёниб тургандай эди. Чамамда «Навоий» романига қарши туҳмат мақола уюштирилганда адиб Ойбек шундай ҳолатга тушган бўлса керак.

Адашмасам учинчи курснинг қиш ой эди, бир дўстимизнинг Бобур ҳақидаги ҳикояси, «Пиримқулнинг романи чиқмай турибди, бу ҳикояни чоп этсак, кўнглига тегиб қолиши мумкин», деган истиҳола билан катта бир журналнинг бош муҳарриридан қайтди. Биз, икки муллавачча, менинг ҳамқишлоқ эканлигимни билса, Пиримқул ака юмшаб қолиши мумкин, деган содда талабача илинж билан қиш кунида қор кечиб Пиримқул аканинг олдидан ўтиб қўйиш учун у кишининг Себзордаги уйига бордик. Пиримқул аканинг ўша пайтдаги занжирбанд шерни эслатувчи ҳолати ҳали ҳануз кўз олимдан кетмайди.

— Мен қарши эмасман, бемалол босишсин. Бобур ўз мақомида эъзозланишга арзийдиган шахс. У ҳақида қанча кўп ёзсак, халқимизнинг кўкси шунча баланд кўтарилади.

Лекин ўшанда Пиримқул ака ўзининг романи босилмаётгани ҳақида ёзғирмади, ҳатто эслаб ҳам қўймади.

Кўп ўтмай дўстимнинг ҳикояси журналда босилиб чиқди ва таъбир жоиз бўлса, бу асар уни адабиётнинг катта майдонига тез етаклаб ўтди.

Ниҳоят, Бобур руҳи қўллаб, Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи ҳам босилиб чиқди ва тезда қўлма-қўл бўлиб кетди.

Юбилей тантанасида «Бобур фонди»нинг раиси Зокиржон Машрабов билан ёнма-ён ўтириб қолдик. У киши тўлиб-тошиб, ҳаяжон билан бир воқеани гапириб бердилар: — Бундан ўттиз йилча аввал «Юлдузли тунлар» романининг охирги боблари чиққан «Саодат» журналини қўлтиқлаб Ҳиндистонга учганман, самолётда уни ўқиб, кўзда ёш билан Бобур ўз юртида том маънода эъзозланишини қанчалар орзу қилганман. Худога минг қатла шукур, шундай кунларга ҳам етиб келдик.

Президентимиз раҳнамолигида шу дориломон кунларга етиб келишимизга муносиб ҳисса қўшган замонамиз қаҳрамонларидан бири, шубҳасиз, Пиримқул Қодиров бўлади.

У кишининг ижоди, халқ депутати, Олий Мажлис қўмитаси раиси ва раис ўринбосари сифатида мустақилликнинг маънавий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашдаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган.

Пиримқул ака ўз халқининг катта ёзувчиси сифатида мустақиллик унинг учун кенг ижод майдонини очиб берганини яхши тушунади ва бундан тўла фойдаланиш учун бутун кучини, билим ва иқтидорини янги-янги асарлар яратишга сафарбар этмоқда.

Камина ёзувчининг адабиётимизда катта воқеа бўлган «Амир Темур сиймоси» бадиаси қандай яратилганидан яхши хабардорман.

У пайтда мен «Қонун ҳимоясида» журналида ишлар ва Пиримқул ака таҳрир ҳайъатининг аъзоси сифатида журнал фаолиятида қизғин қатнашар эдилар. Шунинг учун у киши бадиани дастлаб шу журналда чоп этишга рози бўлдилар. Бадиа жуда қисқа даврда — яқин ўн ой ичида ёзилди ва журналда чоп этилди.

Кўпдан-кўп тарихий манбаларни кўриб чиқиш ва уларнинг энг ишончлисини саралаб олиб, ёзувчи назари билан таҳлил этиб чиқиш жуда оғир юмуш эди. Бунинг устига айрим манбалар форс, араб ва бошқа тилларда бўлгани учун уларни таржима қилдиришга ҳам тўғри келган. Пиримқул аканинг иш суръати кўп ёшларнинг ҳавасини келтирар, бутун таҳририят аъзолари китобнинг янги боблари қўлёзмаси етиб келишини интиқлик билан кутиб турар эдик.

Амир Темурни буюк давлат арбоби ва улуғ саркарда сифатида бутун жаҳон тан олган. Пиримқул Қодиров ўз китобида шу баробарида соҳибқирон бобомизни халқ озодлик ҳаракатининг йўлбошчиси сифатида талқин этиб, Амир Темур сиймосининг салобатига салобат қўшади.

Тарихда буюк лашкарбошилар ва салтанатбардорлар кўп ўтган. Лекин ўз ватани ва халқини босқинчилар зулмидан озод қилиш баробарида башарият тамаддунини янги тараққиёт ўзанига буриб юборган қаҳрамон ШАХСлар саноқли. Пиримқул Қодировнинг «Амир Темур сиймоси» бадиасида улуғ бобомиз образи ана шундай умумбашарий қаҳрамон сифатида гавдаланади.

Халқимизнинг, дўстингнинг кимлигини айтсанг, сенинг кимлигингни айтиб бераман, деган пурҳикмат нақли бор. Ҳаётда ҳам, ижодда ҳам рамзий маънода ёрқин сиймолар билан дўстлашиб яшаш Пиримқул ака учун ички қонуниятга айланган бўлса керак. Ўтган асрнинг 50-йиллари охирида Москвада яшаганларида кутубхоналардан Чўлпон асарларини излаб топади ва бир неча кун давомида унинг сара шеърларини кўчириб олади. Менимча, Чўлпон «шеърлари»ни ёдлаш, улуғ шоир билан дўстлашиш орқали Пиримқул ака ҳижрат йилларида ватан соғинчини бир қадар босмоқчи бўлган бўлса керак.

Катта шоиримиз Абдулла Орипов юбилей тантанасида: — Олтмишинчи йилларнинг бошларида бир гуруҳ ёш ижодкорлар — Озод Шарафуддинов, Эркин Воҳидов ва бошқа яқин дўстлар билан Оҳангарон қирларига чиқиб кетардик. Шу давраларда Пиримқул ака Чўлпон шеърларини ёддан ўқиб, орзуларимизга қанот бағишлар эди, — деганида мен бир ҳақиқатни англаб етгандай бўлдим.

Талабалик йилларимизда Чўлпон шеърлари билан илк марта қўлёзма ҳолида танишганмиз. Демак, мустабид тузум хоҳишига қарши ўлароқ, буюк шоирнинг адабий меросини яна халқ мулкига айлантириш ғояси Эркин Воҳидов, Пиримқул Қодиров, Абдулла Орипов каби фидойи зиёлиларимиз хилват гўшаларда ўтказиб юрган ўша чўлпонхонликлардан кўр олган бўлса не ажаб.

Аллоҳ Пиримқул акага ҳайрон қоларли даражада ажойиб қувваи ҳофиза ато этган. 2005 йилнинг кўкламида бекободлик ҳуқуқшунослар даврасида Чўлпоннинг шеърларини ёддан ўқиб, аҳлисуҳбатни жуда хурсанд қилганига гувоҳ бўлганман. Пиримқул ака туфайли «Ishonch» газетаси таҳририятидаги бир учрашув Пушкин, Лермонтов ва Есенин шеърлари мушоирасига айланиб кетган эди. Русий забон ҳамкасбларимиз ҳам ўшанда ўзбек ёзувчисининг бу қадар кўп шеърни рус тилида ёддан айтиб, чуқур таҳлил қилиб берганига қойил қолишди.

Шундай учрашувлардан кейин юрак ютиб «Уч илдиз» романидаги шоири шайдо Очил образининг протатипи ўзингиз эмасми деб сўраганимда у киши:

— Қисман. Маҳкам образига ҳам ёшликдаги интилишларим, ҳаётий позициямни сингдиришга ҳаракат қилганман, — деб жавоб берган эди.

Дарҳақиқат, Пиримқул Қодировдек улкан адиблар ҳеч қачон бир образга сиғишмайдилар.

А.АБДУРАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Уғлим йўқ деб, ўксинманг, ота!

Бувим раҳматли ғоят оқила, меҳрибон аёл эди. Отамни жуда яхши кўрганидан айтган қизига, яъни онамга уйлантириб қўйган экан. Мен туғилганимда бувижоним Гулнора деган исм қўйган экан.

Бирин-кетин сингилларим туғилди. Отам-ку ҳеч қачон онамга «Нимага ўғил туғмадинг?» дея таъна қилганини эшитмаганман. Аммо аммаларим келиб бувимга шу ҳақда гапириб кетишарди.

— Қизни берган худойим бир куни ўғилни ҳам беради. Нима ишларинг бор? Тинчгина яшаётган бўлсак, шуни деб жанжал кўтармоқчимисанлар? — дея бувим уларни койирди.

Тўртинчи синглимга бувим кейингиси ўғил бўлсин дея Янглишой деб от қўйди. Афсуски, бешинчиси ҳам қиз бўлди. Шунда ҳам бувим ўғил туғилишини хоҳлаб, исмини Ўғилой қўйди.

Ўғилойдан сўнг онам анчагача ётиб қолди. Дўхтирлар «энди туғмасангиз ҳам бўлади, камқонсиз» дейишибди. Онам отамнинг кўнглини олай, ҳеч бўлмаса биттагина ўғил туғиб берай, дея синглим атак-чечак юра бошлаганида яна ҳомиладор бўлди. Улар эгизак экан. Туғруқхонадан келган заҳоти барчамиз уларга парвона бўлдик. Қишлоғимиз ҳамшираси ҳам тез-тез кичкинтойлардан хабар оларди. Бувимнинг эса оғзи қулоғида. Эгизак фарзандлар ҳам худонинг бир мўъжизаси, дея таъкидлагани-таъкидлаган. Бундан, айниқса, отам жудаям хурсанд эди.

Отам ишга борса, ҳар доим бизга нимадир кўтариб келарди. Ўзи емаса ҳам бизга илинарди. Бирор марта онам ёки бизга қаттиқ гапирганини эшитмадим. Хато қилиб қўйсак, онамнинг ўзи бизни жазоларди. Отам бизни бошқа хонага олиб кириб қилган хатомизни тушунтирар, оқибати нима бўлишини айтиб, уялтирарди.

Афсуски, бувим бизнинг камолимизни кўролмай бу оламни тарк этди. Аммаларим энди уйимизга серқатнов бўлиб қолди. Улар отамни ўртага олиб гап уқтирарди:

— Ука, келажагингни ўйлаяпсанми? Эртага худо кўрсатмасин ўлиб-нетиб қолсанг, ортингдан белига белбоғ бойлаб, устига тўн кийиб, «вой отамлаб» йиғлайдиган ўғлинг йўқ! Уйлан бошқасига. Бўлмаса, ўзимиз топиб берайлик!

— Опа, ўйлаб гапираяпсизми? Худога шукур, ўнта йигитга алмашмайдиган гулдек қизларим бор. Нима қиламан яна уйланиб, бу гапни бир гапирдингиз, иккинчи марта эшитмай! — дерди отам жаҳл билан.

— Ўзи хотининг ичи тўла қиз экан. Учтасини туққандаёқ билувдим. Ўшанда онам раҳматли гапимга кўнмаганди. Қаёқдаги бир келгинди келин сенинг оғзингни бойлаб ташлаган. Гапиролмайсан. Ўшанда ҳам шундай деб туриб олгандинг.

— Опажон, илтимос, менинг оиламга аралашманг, — дея отам ўрнидан туриб кетди. Аммам бўлса ортидан жавраганча қолаверди.

Турмушга чиқдим. Ўғлим ва қизим туғилди. Ҳамма ишларимда отам ёрдам берди.

Бирин-кетин сингилларим ҳам узатилди. Эгизак сингилларим отам билан қоладиган бўлишди. Қўш куёв эса отамга ўғилдек бўлди.

Бизни ўксинтирмай, кўнглимизга қараб вояга етказган отамизга таъзим қиламиз. Отам ҳеч қачон ўғлим йўқ, дея ўксинмаса дейман.

Хонбиби ҲИММАТ қизи

Тақдир чархпалаги

Оланинг фидойилиги

Ҳаётда турфа тақдир эгаларини учратар экансиз. Бир танишимнинг ҳикояси узоқ вақт хотирамда сақланиб қолди. Уни сизларга ўз ҳолича етказишни лозим топдим.

...Ёшлигимизда биздан учтўрт уй нарида яшовчи Турди момо деган ҳамқишлоғимиз бўларди. Унинг шиферли уйлар қаторида мунғайиб турадиган қулбаси ҳаммага таниш эди. Бу уйда у ёлғиз қизи билан яшарди.

Суриштириб келса, Турди момонинг бизга қариндошлик жойи ҳам йўқ эмасди. Биздан ҳам кўра ёнма-ён ҳовлида истиқомат қиладиган обрўли колхоз раисига тус амма эди. Раис бованинг болаларига тақлид қилибми, уни амма дейишга ўрганиб қолгандик.

Амманинг шевамизга ёт лаҳжада сўзлаши бизга қизиқарли туюларди. Ора-сира тожикча ҳам гапириб қўярди. Ҳўкизнинг гов, эшакнинг хар дейилиши ва бошқа ҳайвонлар номининг тожикча айтилишини ундан билиб олгандик. Кейинчалик ота-онамдан эшитган Турди момонинг бундай «тожики»лиги сабаби менга машҳур ривоятдаги ўлимга маҳкум эри, ўғли ва укасидан бирининг озод қилинишини сўраш имконига эга аёлнинг қарорини эслатганди.

Турди момо асли шу қишлоқда туғилиб ўсган. Бўй етгач, турмушга чиқиб, фарзандли ҳам бўлган. Шу пайтда унинг бошига оғир синовлар тушади. Қишлоқнинг фаолларидан бўлган акаси урушда ҳалок бўлиб, янгаси ёш болалари билан қолади. Бунинг устига қаровсиз қолган ўспирин укаси тирикчилик баҳонасида қаерларгадир дайдиб бедарак йўқолади. Жигарининг тақдирига куюнган опа эри ва боласини ташлаб, укасининг дарагини топиш учун қишлоқдан чиқиб кетади.

Шу кетганча анча йиллар ўтиб, укасинигина эмас, бошқа юртда турмушга чиққан эрини ҳам бошлаб келади. Маълум бўлишича, сўроқлай-сўроқлай Тожикистон тарафлардан укасининг дарагини топади. Қидириб бориб, ўша ёқдаги катта бир раҳбардан инисини топишда кўмак беришини ўтинади. У бир шарт қўяди: эвазига мансабдорнинг ғариб бир қариндошига турмушга чиқиши лозим эди. Ҳимоясиз аёл укаси учун бунга рози бўлади. Ногирон эр ва бебош укасидан бошқа ҳеч кими бўлмаган жувон бир қанча муддат ўша ёқда яшайди. Аммо бу ерларда суянч бўладиган одами йўқ эканлигини ҳис этиб, ўз элига қайтиб келади.

Момонинг чолини кўрмаганман. Биз туғилмасдан анча олдин оламдан ўтган. Кексаларнинг эслашича, ўзи мўминқобил, хокисор одам бўлиб, қишлоқдошлар ҳурмат билан почча деб аташар экан. Кўп болалари турмаганидан дунёга келган қизалоққа ирим билан Тўхтатош деб исм қўйишгач, фарзанд доғидан қутулишади.

Бу орада етимликда ўсган жияни улғайиб, юрт сўрайдиган одамга айланади. Кўп йиллар хўжаликка раҳбар бўлиб ишлайди. Момонинг бир марта онамга раис жиянидан миннатдор бўлиб гапириб ўтирганига гувоҳ бўлганман. Қайсидир пайтда қизи оғир аҳволда шифохонага тушганда, у кучли дўхтирларни ишга солиб, ўлимдан сақлаб қолган экан. Қолаверса, аҳволидан хабар олиб турувчи ёлғиз суянчиғи шу одам эди.

Уйланиб, ўзидан тиниб-тинчиган укаси эса саргардонликда орттирган баъзи иллатларидан умр бўйи қутулолмади. Опасининг фидойилигига жавобан бирор дардига чора топганини эшитмаганман. Бемеҳрликдан эмас, бошқалар тугул ўзига яхшилик қилишга иродаси етмаганлигидан бўлса керак. Ҳатто бу тарихдан бехабарлар уларнинг опа-ука эканлигини билишмасди ҳам. Айтганча, олдинги турмушидан бўлган ўғли билан унчалик илиқ бўлмаса-да, она-болалик риштаси тикланади.

Бугунги кунда уларнинг кўпчилиги ҳаётда йўқ. Ука ҳам, ўғил ҳам. Момонинг дунёдан ўтганига эса йигирма йиллар бўлди. Қизи узоқ қишлоқлардан бирида яшайди. Вафотидан бир-икки йил ўтиб, эгасиз қолган ҳовлиси ҳам бузилиб кетди. Ўтган йили қишлоққа йўлим тушганда, унинг ўрнида тикланган уй билан бақамти яна бир ҳашаматли иморат пайдо бўлганига гувоҳ бўлдим. Эски манзарани эслатувчи бирор-бир белгини тополмайсиз. Бир инсоннинг тақдири одамлар хотирасининг қайси бир пучмоқларидагина сақланиб қолди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ

Оталар сўзи – ақлнинг кўзи

Отамнинг гаплари, хулосаларига рўйхушлик билдирмаган онларим кўп бўлган ва барибир вақт ўтиши билан айнан отам айтган ҳолат рўёбга чиққанида унинг кўпни кўрганлигига гувоҳ бўлганман. Тан берганман.

Темур Айдаров, истеъфодаги полковник, айни пайтда Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани «Уйғониш» маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият юритаётган замондошимиз билан суҳбат жараёнида ҳам ёшлар учун ибратли бўлган умр дафтарини вараклагандек бўлдим.

Ачитиб гапирган дўст

Келинг, дастлаб Темур аканинг дўстлари айтган гапларни тинглаб, у ҳақдаги тасаввуримизни бойитиб оламиз.

Бегмат НОРМАТОВ:

— Темур ёшлигидан темирйўл инженер-механиги бўлишни орзу қиларди. Тошкент темирйўл транспорт институтига ўқишга ҳам кирди. Иккинчи курсга ўтганида ҳарбий хизматга кетди. Хизматдан кейин таҳсилни давом эттирди. Ота-онасига боқиманда бўлмаслик учун ўқиш билан бир қаторда, тепловоз-вагонларни таъмирлайдиган заводга ишга кирди. Ўша пайтларда одатда, жамоат ишларида фаоллик кўрсатган ёшларга ички ишлар соҳасига йўлланма бериларди. Шундай имконият интилувчан Темурга ҳам насиб этди. У Ички ишлар вазирлигининг олий мактабига ўқишга қабул қилинди. Темур уни имтиёзли диплом билан тугатди. Республика ички ишлар органларида турли лавозимларда ишлади. Шундан сўнг Ички ишлар олий мактаби криминалистика кафедрасида аввал катта ўқитувчи, бир йилдан кейин раҳбар лавозимида фаолият юритди. Машаққатли меҳнати бесамар кетмади. «Ички ишлар вазирлигининг хизмат кўрсатган ходими» нишони ҳамда бошқа кўп медаллар билан тақдирланди. Ҳалоллиги туфайли ном қозонди.

Рафиқаси — ўқитувчи. Фарзандлари ҳам ота-онасидек зиёли. Адолатни қадрлашади. Катта ўғли Жамшид божхона хизмати, Габит эса ички ишлар соҳасида ишлайди. Бир қизи ўқитувчи бўлса, иккинчиси ҳуқуқшунос. Саккиз нафар набираси Темур аканинг жон-дили. Кичикларини боғчага олиб боради, мактабда ўқийдиганларининг дарсларини текширади... Маҳаллада уларнинг оиласига ҳамма ҳавас қилади.

Кўчқор ТЕМИРОВ:

— 2004 йилнинг ноябр ойида пенсияга чиққан бўлса-да, умри иш билан ўтган одам уйда ўтира олармиди! Маҳалласи учун куйиб-пишгани пишган. Қарияларни йиғиб, дилбар суҳбатлар қуриш, ёши улуғлардан маслаҳатлар олишни канда қилмайди. Мен Темурнинг дўстпарварлигига қойил қоламан. Ҳар қандай ҳолатда яхши-ёмон кунимизда ёнимизда турадi. Бирор жойга йиғилмоқчи бўлсак, ўзи машинасида ҳар биримизни уйма-уй олиб, сўнг яна уйма-уй ташлаб қўяди.

Аҳмад АКРОМОВ:

— Фарзандларимизга ҳам меҳрибон. Масалан, қизим Нилуфарни ўз қизидек кўради чунки «роддом»га ўзи олиб борган. Лекин дўстликни баландпарвоз гаплар деб эмас, бир-бирининг ҳолидан хабар олиш, тўғри маслаҳат беришда, деб билади. «Сени деб заҳар ичишга ҳам тайёрман. Дўстим учун жонимни бераман» деган гапларни гапирмайди ҳам, ёқтирмайди ҳам. Ёки «Фалончи ароқ ичиб-ичиб, ўлиб қопти» деган гап сенга керакми? Ундан кўра ўғлингни уйлантирсанг-чи» дея кези келганда аччиқ-аччиқ гапириб, тўғри йўлга бошлайди.

Ширинидан аччиғи кўп

— Қарийб 15 йил Ички ишлар вазирлиги академиясида ишладим, — ҳикоя қилади Темур ака. — Бу даврда юзлаб, минглаб тингловчилар бу даргоҳни тугатишди. Албатта, академияда ўқийман, шу соҳада ишлайман деган ёшлар кўп. Аммо охиригача чидашни ҳам уддалай билиш керак. Бу соҳанинг хизмати оғир ва машаққатли. Шу сабабдан амалий хизмат барчага ҳам насиб этавермайди.

— Темур ака, бу соҳада ишлайдиган кишиларда қайси фазилатлар бўлиши лозим?

— Ҳамма соҳада бўлганидек, биринчи навбатда ўз касбига фидойилик бўлиши керак. Ўқитувчими, фазогирми, ички ишлар ходимими, журналистми, машаққатларга чидамас экан, узоқ ишлай олмайди. Масалан, жиноят-қидирувда ишлайдиганларни олайлик. Туну-кун жиноятни очишга, жиноятчини топишга ҳаракат қилади. Бу ҳолга уйдагилари ҳам чидаши керак. Ёки ички ишлар ходими оғирроқ жиноятни очиш учун далил тўплашга ҳаракат қилади. Қанчалик хавфли бўлмасин, ўз жонини хатарга қўйиб, тинимсиз изланади. Бу эса сўзсиз фидойиликни талаб этади. Бир сўз билан айтганда, бу касбнинг ширинидан аччиғи, машаққати мўл. Ҳалол бўлиш керак. Масалан, кимдир жиноятни бости-бости қилишни хоҳлайди, бошқаси сендан гумонсирайди ва ҳоказо вазиятлар бўлади. Сен эса тоза ва ҳалол бўлишинг даркор. Бу ҳам катта масъулият...

Маънан гўзал ва кенг фикрли бўлишда ҳам гап кўп. Мисол учун, яқинда кўчада бир қизни кўрдим, қулоғида қимматбаҳо сирға, бўйнида яна бир ноёб нарса. Ахир, бу ўғриларга тайёр ўлжаку. Шу нарса шартми? Атрофдагиларнинг баъзиларида бундай қимматбаҳо тақинчоқ йўқ бўлиши мумкин. Уларнинг дили ўксимайдими? Яъни, бойлик ва мансаб туфайли кибрланишни қоралайман. Инсоннинг ҳусни оддийликда.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Сўраган эдингиз...

Ногирон болаларнинг оиладаги таълими қандай тартибда амалга оширилади?

Мажид КАРИМОВ, Бухоро вилояти

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, ногирон болаларнинг оиладаги таълими таълим муассасаларида, жумладан, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим олишнинг имкони бўлмаган тақдирда, ота-онанинг ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг истаги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Бунда ота ёки онага ёхуд ота-она ўрнини босувчи шахсга Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда ва шартларда моддий таъминот ҳамда имтиёзлар берилади.

Таълим муассасалари, жумладан, ихтисослаштирилган таълим муассасалари ногирон болаларнинг оилада таълим олишида ота-онага ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга ёрдам кўрсатиши шарт.

Қандай фаолият турлари лицензияланади?

Салим УСМОНОВ, Янгиер тумани

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган, ҳамда тартибга солиб турилиши лицензиялашдан бошқа усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолият турлари лицензияланиши керак. Амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари қонунлар билан белгиланади.

Руҳий ҳолат бузилганлиги касбий фаолият билан шуғулланишга яроқсиз деб топишга асос бўладими?

Умида ХОЛИҚОВА, Хоразм вилояти

«Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги қонунга кўра фуқаро руҳий ҳолати бузилганлиги туфайли касб билан боғлиқ фаолиятнинг ва ўта хавфли манба билан боғлиқ фаолиятнинг айрим турларини бажаришга вақтинча (беш йилдан ошмаган муддатга ва кейин қайта текширувдан ўтиш ҳуқуқи билан) яроқсиз деб топилиши мумкин. Бундай қарор соғлиқни сақлаш органи ваколат берган тиббий комиссия томонидан, фуқаронинг руҳий соғлиғи ҳолатини тиббий психиатрия монеликлари рўйхатига мувофиқ баҳолаш асосида қабул қилинади ва унинг устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Мактабда директор ўринбосари вазифасида ишлаганман, 0,5 ставка дарс ҳам берганман. Имтиёзли пенсия тайинлашни туман ижтимоий бўлими рад этди. Шу тўғрими?

Ҳайдар САЛАЕВ, Шовот тумани

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддаси «к» бандига мувофиқ ўқитувчилар махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда умумий белгиланган ёш 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга. Ҳозир сизнинг асосий лавозимингиз раҳбарлик. Буни «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида»ги низом талабидан ҳам билса бўлади. Унга кўра, халқ таълими муассасасининг раҳбар ходимига асосий лавозимни бир ҳафтада 10 соат ҳажмда ўқитувчи лавозими билан қўшиб олиб боришига (ўқув юкламаси юритилишига) йўл қўйилади.

Корхонадан уруш қатнашчиси сифатида коммунал тўловлар учун компенсация олардим. Корхонамиз тугатилди. Мазкур тўловни энди қаердан оламан?

Худойшукур ЭШҚОРАЕВ, Термиз тумани

«Уй-жой ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловлари механизми тўғрисида»ги низомга мувофиқ, компенсация ҳар ойда ишламайдиган пенсионерларга ва нафақа оладиган болаликдан ногиронларга ҳамда нафақа оладиган, пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган, меҳнатга қобилиятсиз кекса фуқароларга пенсия (нафақа) олиш жойида тўланади.

Ўриндошлик тартибида бир неча жойда ишлайдиган шахсларга компенсация асосий иш жойида тўланади.

Фойдаланилмаган меҳнат таътилидан кейинги йил фойдаланиш мумкинми?

Малика РАҲИМОВА, Фарғона вилояти

Меҳнат кодексининг 143-моддасига мувофиқ ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда ходимнинг розилиги билан таътилнинг ўн икки иш кунидан ортиқ бўлмаган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин, шу йили ундан албатта фойдаланилмоғи лозим.

Нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари сифатида кўпгина муассасаларга ахборот олиш мақсадида мурожаат қиламан. Бироқ уларнинг аксарияти эътиборсиз қолдирилади. ННТнинг ахборот олиш ҳуқуқи қай тартибда белгиланган?

Гавҳар МАДРАҲИМОВА, Андижон шаҳри



«Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида ахборотдан фойдаланиш кафолатлари белгилаб қўйилган.

Давлат, нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлашга бўлган ҳуқуқини таъминлайди. Ахборотдан фойдаланиш тегишли материалларни эълон қилиш йўли билан ҳамда уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириш мақсадида зарур ахборотни олиш учун давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқининг нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рўёбга чиқарилиши орқали таъминланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг сўровига иложи борича қисқа муддатда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, сўров олинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жавоб қайтарилиши керак. Агар орган ёки мансабдор шахс сўралаётган ахборотга эга бўлмаса, ўзига мурожаат этган нодавлат нотижорат ташкилотига сўров олинган санадан эътиборан етти кундан кечиктирмай бу ҳақда хабар бериши, шунингдек, имкониятга қараб унга бундай ахборотга эга бўлган органнинг ёки мансабдор шахснинг номини маълум қилиши шарт.

Давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари нодавлат нотижорат ташкилотларига, бу ташкилотларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор норматив ҳужжатлар ҳамда бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши шарт. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор ахборот бепул берилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Жамоат транспорти, телерадиода дори-дармон рекламасига тез-тез дуч келамиз. Инсон саломатлиги билан боғлиқ нарсаларни реклама қилиш қанчалик тўғри? Бу ҳақда қонунларимизда нима дейилган?

Мунаввар БОБОХОНОВА, Қарши шаҳри

Реклама тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ муносабатлар «Реклама тўғрисида»ги қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Мазкур қонуннинг 22-моддасида дорилар, тиббий буюмлар, косметика ва маиший кимё воситалари рекламаси ҳақида сўз юритилади. Унга кўра, фақат шифокорнинг кўрсатмаси (рецепти) бўйича бериладиган, таркибида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар бўлган, Ўзбекистонда тиббиётда қўллашга рухсат берилмаган дориларни реклама қилиш тақиқланади.

«Рекламани жойлаштириш тўғрисида»ги низомга мувофиқ, фақат рецептсиз бериладиган дори-дармонни реклама қилишга рухсат этилади ва қуйидаги талабларга эътибор қаратиш белгиланган:

а) дори-дармоннинг рекламаси тушунарли тилда баён қилиниши ва қуйидаги маълумотларга эга бўлиши лозим: дори-дармоннинг тўлиқ (жумладан, халқаро фармакологик) номи, ишлаб чиқарувчининг номи, қўллаш учун асосий кўрсатмалар;

Мақола давомида аслида улкан мазмунлар учун хизмат қилиши керак бўлган сўзларнинг, тушунчаларнинг қадрсизланиб бораётганидан яралиб бораётган беҳаловат хавотирни сезамиз. Таассуфки, бу ҳолатга аниқ таъриф ёки оқлов топа билиш имконияти йўқлигидан «начора?» дея оламиз, холос. Демократик жамиятнинг ҳеч бир онгли фуқаросига, мана, шу-шу сўзларни ишқий мактубларингда ҳам, рекламаларингда ҳам бошқа ишлатмайсан дейишга ҳеч ким ҳақли эмас. Сўз муайян тилга оид, тил эса муайян миллатники. Унинг исталган аъзоси хаёлига келган сўздан фойдаланавериши мумкин. Бироқ биз ҳар бир одам сўз-тушунчаларни ҳаммадан алоҳида ўзлаштириб боради деб ҳисоблаймиз. Лекин барибир бу кетишда ҳаммаёқ тез орада алғов-далғов бўлиб кетади-ку.

Машъум хавотиримизни кескинликдан сақлаш илинжида бу ҳақда бошқа жойларда нимага кўзимиз тушса, жовдираб ўқийверамиз. «Сўзларнинг фаолиятсизлиги, уларнинг нисбийлиги ҳақиқий характерларни кўришга халақит беради», «Сўзлар ўз тажрибасига ва ўз фикрига, ўз маънавий ҳаётига эга бўлганлар учунгина ҳақиқий маъно касб этади...».

Шундай қилиб, «Одам дарахтининг ўқилдизи нима? Бу саволга бир сўз билан жавоб айтиш мушкул. У ўрнимус, виждон, иймон... ва яна аллақанча оппоқ тушунчалар бўлиши мумкин». Бироқ қора рангдаги тушунчалар... улар ҳалиям совуқ сайёрамиз узра ўша машъум иблисона қўшиқларини айтиб юрганга ўхшайди. Улар инсоният авлодлари алмашиниб тургани учун бизнинг онгимизгача етиб келди. Шунга қарамай ўша оппоқ тушунчалар учун инсонни ҳозироқ қутласа бўлади.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ,
ЎзМУ магистри

«Шоҳнома»да Эрон ва Турон тасвири

Инсоният эпик тафаккурининг буюк ёлқинларидан ҳисобланмиш «Шоҳнома» ҳануз дунё китобхонлари қалбига ёғду таратиб келмоқда. Асарнинг қиммати ҳақида буюк немис адиби И.Гёте «Ғарбу шарқ девони»га ёзган шарҳларида фикр билдиради. Гётенинг фикрича, Фирдавсий Эроннинг афсонавий тарихини шу даражада ажойиб тасвирлаганки, кейинги авлодларга умумий гап айтиш ва баъзи талқинларни баён этишдан бошқа ҳеч нарса қолмаган. Бу асарнинг илмий қийматига берилган баҳо, холос. Достоннинг асрлар оша севиб ўқилишининг асосий сабабларидан бири эса унинг тарихий далилларга бойлиги ва халқчиллигидир. Одил шоҳлар, ватанга жонини тиккан паҳлавонлар образи ва пок муҳаббатга содиқ, юртга фидойи аёллар тимсоли сатрлар қаърига сингдирилган ҳикматлар воситасида жонлантирилган. Шунингдек, достонда халқнинг орзу-умидлари муаллифнинг талқинлари билан ҳамоҳанг тасвирланган.

Мазкур достон зоҳиран қараганда, фақатгина жангу жадал инъикосидан иборатдай кўринади. Аслида эса унинг инсониятни эзгуликка чорловчи буюк битик эканлигига шубҳа йўқ. Бу ҳақиқатни Алишер Навоий ҳам эътироф этган:

Рақам қилди фархунда «Шоҳнома»е
Ки синди жавобда ҳар ҳомае.

Шу таърифнинг ўзиёқ мазкур асарнинг бадиий қиймати нақадар юксаклигидан дарак беради. Инсон чинакам комилликка эришмоғи, жаҳонда яхши ном қолдирмоғи учун аввало нималарга эътибор қаратиши лозимлигини Фирдавсий шундай ифодалайди:

Пок зоту ҳунару насабинг агар,
Бирлашса ажойиб мевалар берар[1].

Аммо мукаммал одамийликка эришмоқ учун бу учликнинг ўзи кифоя қилмайди. Уларни ўз ўрнида ишлатмоқ учун ақл ҳам керак

Бу учликни топсанг сўнг керак ақл,
Уни паст-баландни ажратгувчи бил[2].

Мана шу тўрт хислатни ўзида мужассамлаштирган инсон бу дунёда қалб роҳатига эришади. Унга ўлимдан ўзга ҳеч қандай хавф дахл қилолмайди. «Шоҳнома»да жаҳон шоҳи дея эътироф этилган Кайхусравда, Фирдавсийнинг фикрича, мана шу хислатларнинг барчаси муштарак эди:

Жаҳонжуй бу тўртдан эди бенияз,
Унга толе кулиб, бўлди сарафроз[3].

Зулматга қарши зиёнинг, жаҳолатга қарши маърифатнинг ғалабаси муқаррар эканлигини таъкидлаган ва барчадан одилликни талаб этган (*«Кечмаган адолатдан, ҳақдан ҳеч қачон»*[4]) ижодкорнинг ўзи Эрон ва Турон тасвирига келганда бироз нохолисликка йўл қўйгандай. Келинг, айни масалани Эрон ва Турон тасвирига доир парчалар муқоясаси асосида кўздан кечирайлик. Эрон ҳукмдори Кайхусрав достонда шундай тасвир этилади:

Жаҳонда адолат, ҳақ барпо этди,
Ҳақсизлик томирин заминдан юлди.

Достонда тасвирланишича, Кайхусрав ҳукмронлиги даврида ёмон ниятли, ёвуз кимсаларнинг йўли боғланиб, ер юзидаги барча вайрона масканлар обод қилинган:

Қаер вайрон бўлса, айлади обод,
Этди ғамгинларни аламдин озод.

Юқоридаги каби Эрон ҳукмдорлари таърифида буюк муаррих бисотидаги жами эзгу ва гўзал сўзларни қаторлаштириб, ажойиб ташбеҳларни келтиради. Турон билан боғлиқ шахслар ҳақида гап кетганда эса озгина ҳасислиги тутади. Мисол учун, Афросиёб ҳақида шундай ёзади:

Эрон шаҳарларин кўрсанг, кўп хароб,
Хароб этди барин ул Афросиёб.

Кайхусравни жаҳонжуй», жаҳон шоҳи каби сифатлар билан таърифлаган Фирдавсий Афросиёбнинг на давлат бошқаруви, на насл-насаб борасида бирон арзирли хислати йўқлигини эътироф этади:

Бил уким ёмондан яралган зурёд,
Ўзи афсунгару асли нокас зот.

Биз юқорида кўриб ўтганимиз биргина Афросиёб образи билан боғлиқ бирёқлама тасвирлар холос. Демак, буларнинг барчаси ижодкорнинг биргина Турон шоҳига муносабатидир дея эътироз билдиришингиз мумкин. Аммо достонни диққат билан ўқисангиз, шоирнинг туркийларга муносабати ойдинлаша боради. Асарда келтирилишича, туркий паҳлавонлар ҳеч бир жиҳатда, яъни на суврати (*«Зоғ каби қоп-қора туркзода...»*[5]), на сийрати (*«Гумроҳ турк...»*[6]) билан эронийларга тенглаша олади.

Достоннинг Суҳроб ҳақидаги бобида шоир бундай паҳлавон туркийлар авлодидан бўлиши (*«Ё сен эмасмисан турк авлодидан, Туғилдингму алплар чўнг аждодидан»*[7]), мумкин эмас дея Паҳлавон Маҳмуд, Темурларни вояга етказган халққа нисбатан адолатсизлик қилади. Достоннинг малика Тахминанинг Рустами достон билан учрашуви тасвирланган ўринларини ўқир эканмиз, малика шаънига муносиб бўлмаган (*«Бу кун мен сенингмен, истасанг...»*[8]) сўзлар ва Тўмарис қавмига ёт хусусиятлар (*«Келдим ҳузурингга мен фарзандталаб»*[9]) Малика тилидан бериладики, ўқиб ҳайрон қоласан киши. Чимматларга бурканиб улғаядиган турк аёли бегона эркак ёнига бориб, мен сендан фарзанд истаб келдим дейишига ишониш қийин.

Ҳаммамизга маълумки, ҳақиқий бадиий асар муайян миллат учун эмас, бутун башарият учун хизмат қилмоғи лозим. Фирдавсий достонининг айрим ўринларидаги мана шундай нохолис қарашлар «Шоҳнома»нинг бадиий қийматини бироз пасайтирган. Қолаверса, ўз халқини улуғлашни қайсидир халқнинг камситилиши эвазига амалга ошириш буюк муаррихга номуносиб ишдир. Нима бўлганда ҳам, муаррих мадҳия ёзувчи мирзадан фарқ қилиши лозим.

Сафарали ҚУРБОНОВ,
ЎзМУ магистранти

[1] Фирдавсий. «Шоҳнома». Т. 1976. Иккинчи китоб. Кайхусрав. Назармат таржимаси. 8-б.
[2] Ўша асар, 8-б.
[3] Кайхусрав ва Афросиёб ҳақидаги парчалар достоннинг Кайхусрав бобидан олинди.
[4] Ўша асар, 16-б.
[5] Фирдавсий. «Шоҳнома». Танланган достонлар. Т. 1984. 301-б. Турон шоҳзодаси Фурудга берилган таъриф.
[6] Ўша асар, 226-б. [7] Ўша асар, 177-б. [8] Ўша асар, 160-б. [9] Ўша асар, 160-б.

Қиш манзаралари

Гўёки ҳамма ёқ унга беланган,
Зарра кепаги йўқ, оппоқ, эланган.
Нурда ялтирайди сон-саноқсиз зар,
Қамашиб кетади боққанда кўзлар.
Нафаслар буғ бўлиб учар ҳавога,
Қорнинг ғирчиллаши ўхшар навога.
Севинчи ичига сиғмаган қарға,
Гоҳ учиб, гоҳ қўниб қичқирар: «Қа! Қа!».
Аёз деразага чизади сурат,
Қуёш ўчирмоққа қилолмас журъат.
Дарахтлар оқбадан қизни эслатар,
Тўлган ой қадрдон юзни эслатар.
Оқликка кўмилган дунёга боқиб ·
Шеър келар юракдан селдайин оқиб.

Тилак

Ёлғон эмас, рост сўзлаганлар,
Виждонига мос сўзлаганлар,
Ботирларга хос сўзлаганлар
Омон бўлсин, саломат бўлсин.

Ҳақиқат деб ёниб-куйганлар,
Жонини ҳам гаров қўйганлар,
Муҳтожларга қалқон бўлганлар
Омон бўлсин, саломат бўлсин.

Кўзларини ёғ босмаганлар,
Кўнгилларин доғ босмаганлар,
Билиб туриб чоҳ босмаганлар
Омон бўлсин, саломат бўлсин.

Ўзлигидан ҳеч кечмаганлар,
Юрагидан ҳақ кўчмаганлар,
Дунё жилвасига учмаганлар
Омон бўлсин, саломат бўлсин.

Истак

Эланиб супрага ун
Ажраларди кепаги.
Қанийди, дунёнинг ҳам
Бўлса шундай элаги.

Тўғри сўз

Дунёда тўғри сўздай
Қудратли нарса йўқдир.
У юракка бир зумда
Отилиб, теккан ўқдир.

Тўсолмас юзлаб қалқон,
Ушбу ўқнинг йўлини.
Адашмайди ҳеч қачон,
Топаверар кўнгилни.

Нафс

Бу нафс дегани бир офат билсанг,
Оёқ-қўлларингни боғлаб ташлайди.
Сен унинг олдида қанча букилсанг,
У сени шунчалик хўрлай бошлайди.

Туроб НИЁЗ

Нодар ДУМБАДЗЕ

Абадият қонуни

(Романдан парча)

— Хайр, Бачана Акакиевич! Касалхонамизни қайтиб кўрманг, илойим, менга ҳеч қачон ишингиз тушмасин! Даволаниш маъносида, албатта! — қўшиб қўйди профессор.

— Нихоятда мамнуният билан чикиб кетаяпман... Шу икки ой, Нодар Григоревич, мен учун бутун умрга тенг!

— Тушунмадим...

— Ҳар кандай одам умрида лоакал бир марта бўлса ҳам оғир дардни бошидан ўтказиши керак. Бу нарса унга босиб ўтган йўлига хотиржам назар ташлаб, ҳаётига холисаниллоҳ баҳо беришга имкон туғдиради. Шу маънода касалхона менга бекиёс ёрдам кўрсатди.

— Менимча, сизнинг ҳаёт йўлингизни тафтиш қилиш ва қайтадан баҳолашга зарурат йўқ.

— Шунака деб ўйлайсизми? — жилмайди Бачана.

— Ҳар ҳолда, четдан қараганда шундай туюлади!

— Касалхонангизда ўтган икки ой мен учун ажойиб кашфиётлар палласи бўлди!

— Ҳўш, нималарни кашф қилдингиз?

— Абадият конунини!

— Нимани?! — қайта сўради профессор ҳайрон бўлиб.

— Абадият конунини! — такрорлади Бачана.

— Хм... У ҳолда бу конуннинг формуласи ҳам бўлиши керак, шундай эмасми?

— Албатта!

— Балки мени ҳам таништирарсиз ўша формула билан? Кўнглингиз тўқ бўлсин, Бачана Акакиевич, кашфиётингизни ўзимники қилиб олиш ёки унга шерик бўлиш ниятим йўқ! — ҳазиллашди профессор.

— Бу конуннинг моҳияти шундан иборатки, Нодар Григоревич... Инсоннинг юраги унинг танасидан юз баравар оғирроқ... Шу даражада оғирки, уни бир киши кўтаролмайди... Бинобарин, биз, одамлар, токи тирик эканмиз, бир-биримизга ёрдам беришимиз, бир-биримизнинг юрагимизга мадад бўлишга ҳаракат қилишимиз керак: сиз — менга, мен — унга, у эса — бошқа бировга, шу тариқа узлуксиз давом этиши лозим... Токи ўлим ҳаётда бизни ёлғизлик балосига гирифтор қилиб қўймасин...

Профессор Бачананинг сўзларига ҳайратланиб қулоқ солиб турди.

— Аммо-лекин, мураккаб конун кашф этибсиз, Бачана Акакиевич! — деди у узоқ сукутдан кейин.

— Тўғри, мураккаб!

— Шуни ҳаётда рўёбга чиқаришга умид боғлаяпсизми?

— Умид боғламасам, яшашнинг нима кераги бор? Акс ҳолда, ҳозир мен нариги дунёда ётган бўлардим.

Бачана профессорга қўлини узатди, у якинлашганида Бачана ўзини тутолмай, профессорни қучоқлаб, маҳкам бағрига босди.

— Ҳа... — деди профессор энтикиб. — Сизга сунъий юрак тўғри келмайди... Сунъий юрак билан сиз яшай олмайсиз... Сиз бошқачасиз!

Профессор ўзининг вазмин кафтлари билан унинг елкасига қоққанида, Бачана абадият конуни кучга кирганини тушунди...

Рус тилидан Низом КОМИЛ таржимаси

Ширин касаллик

Яқинда мен диабет касаллигига дучор бўлдим. Ёшим 54 да, кескин озиб кетдим, оғзим қурийдиган, кўп сув ичадиган, тез-тез пешоб ажратадиган бўлиб қолганимни ич-ичимдан куйиб ёзаяпман. Нима қилай, шифокор инсулин оласан деяпти, мен қўрқаяпман. Шу касаллик асоратлари, даволаш усулларини тушунтириб берсангиз.

Моҳира ВАЛИЕВА,
Навоий вилояти Нурота тумани

Қандли диабет — кенг тарқалган касаллик. Дунёда 100 млн. дан ортиқ киши бу касалликка чалинган. Касаллар сони ҳар йили 5-7 фоиз кўпаймоқда. Бундан ўзбекистонликлар ҳам истисно эмас. Эпидемиологик тадқиқотлар шундан далолат берадики, минтақа катта ёшли аҳолисининг 2 фоизга яқини қандли диабетга дучор бўлган.

Мамлакатимизда 80 минг бемор диспансер рўйхатига олинган, шундан 20 минги Тошкент шаҳрига тўғри келади.

Касалликка қандай ташхис қўйилади?

Беморни оғиз қуриши, озиб кетиш, чанқов, тез-тез сийиш безовта қила бошлайди. Бу касаллик учун доимий хос жиҳат — қон таркибидаги шакар, глюкозанинг сурункали ортиши. Соғлом кишиларда наҳорда қон таркибидаги глюкоза 5,6-6 ммоль/л. овқатлангандан кейин 2 соат ўтгач эса 7,8 ммоль/л.дан ортмайди. Агар қондаги глюкоза 10 ммол/л.дан юқорига кўтарилса, буйрак қон таркибидаги шакарни «сақлаб тура» олмайди ва шакар сийдик билан ажралиб чиқа бошлайди.

Қандли диабет — бир умрлик касаллик, уни бутун ҳаёт давомида даволаш зарур. Мабодо бемор даволанмаса организмда чуқур ўзгаришлар юз бериб, бу унинг асоратлари ривожланиб кетишига олиб келади.

Глюкозанинг қон таркибида юқори бўлиши қанчалик узоқ давом этса диабетнинг томирларга дахлдор асоратлари пайдо бўлиши эҳтимоли ҳам шунчалик кучаяди. Қандли диабет хасталигига чалинган беморнинг жуда эрта меҳнат қобилиятини йўқотиши ва умри қисқаришининг асосий сабаби унинг томирларида тараққий этадиган асоратдир. Ўз вақтида ва тўғри даволанса, асоратларнинг олдини олиш мумкин. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, қандли диабетга чалинган бемор шу касаллик билан яшашни ўрганиши зарур.

Қонда глюкоза миқдорининг ортиб кетиш сабаблари

Қонга шакар озиқ-овқат билан кириб келади. Инсон истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари асосан уч нарсадан иборат: оқсил, ёғ, углевод.

Оқсил тана учун қурилиш материали ҳисобланади, ёғ ва углевод куч-қувват манбаидир. Глюкозанинг асосий манбаи — углеводлар. Уларнинг катта қисми ичакдан қонга глюкоза тарзида сўрилади. Углеводлар, яъни глюкоза самарали қайта ишланиб, қувватга айланиши учун инсулин зарур.

Инсулин — юқори даражада фаол бўлган кимёвий модда, гормон бўлиб, ошқозон ости безининг алоҳида ҳужайраларида ишлаб чиқилади, тўпланиб оролчаларга гуруҳлашади. Оролчалар лотинча *инсула* деб аталади.

Турли сабабларга кўра танада инсулин етишмовчилиги юзага келганда қандли диабет касаллиги ривожланади.

Қандли диабет касаллигининг турлари

Мазкур касалликнинг иккита асосий тури мавжуд, булар: инсулинга қарашли қандли диабет, инсулинга қарашли бўлмаган қандли диабет. Қандли диабетнинг 1-тури асосан ўсмирлик ва ўспиринлик ёшида пайдо бўлади. Касаллик одатда юқумли касалликларни бошдан кечиргандан сўнг кескин бошланади. Унинг





энг муҳим аломатлари чанқаш, оғизнинг қуриб қолиши, катта миқдорда сийдик ажралиши, озиб кетиш, ҳолсизлик кабилардир. Беморлар бир кеча-кундузда 3-5 литрдан 7-8 литргача суюқлик ичиши мумкин.

Касалликнинг 2-турида ошқозон ости безларининг оролча хўжайралари инсулин ишлаб чиқариш қобилиятини сақлаб қолади ва қон таркибидаги инсулин миқдори нормада ёки нормадан сал юқорироқ бўлади.

Бу тур билан асосан 40-50 ёшдагилар хасталанади. Касаллик секин-аста, яширин бошланади. Оғиз қуриб қолиши, чанқаш, озиш аломатлари унчалик билинмайди.

Касалликнинг асоратлари

Диабет туфайли майда томирлар шикастланади. Бунда майда томирларнинг деворлари қалинлашади, томирнинг ичи тораяди ва қон ўтиши қийинлашади.

Шу билан бирга, кўздаги капиллярларнинг деворлари мўрт бўлиб қолади, уларнинг устида унчалик катта бўлмаган бўртмалар ҳосил бўлади. Шу жойда томирлар ёрилиб, қон оқади. Агар бу асорат давом этаверса, бемор кўр бўлиб қолиши мумкин. Диабетик катаракта ҳам касалликнинг оғир асоратларидан биридир. Кўз тўр пардалари томирларининг шикастланиши ретинопатия деб аталади.

Диабетик нефропатия. Бу асорат ҳозирги вақтда кўп беморларнинг ногиронлиги ва ўлимига асосий сабаб бўлмоқда. Диабетик нефропатия инсулинга муҳтож қандли диабетнинг 1-турида 40-50 фоиз, 2-турида 15-30 фоизгача учрайди.

Диабетик нефропатия 5 босқичга эга бўлиб, унинг охирги даври уремия билан тугайди ва ўлимга олиб келади.

Диабетик макроангиопатия — йирик калибрли томирларнинг шикастланишидир. Қандли диабетда атеросклероз тез ривожланади. Натижада, юракнинг ишемик касаллиги (стенокардия, миокард инфаркти, инсулт) кучли ривожланади ва бемор оғир аҳволга тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Диабетга оид ангиопатияни даволашнинг самарали, ўзига хос воситалари йўқлиги сабабли унинг олдини олиш жуда қийин.

Диабетик тўпиқ синдроми. У мукаммал анатом-функционал ўзгариш комплекси бўлиб, қандли диабетга чалинган беморларнинг 30-80 фоизида учрайди. Бундай беморларда ампутация, яъни оёқ ёки қўлни кесиб ташлаш операцияси бошқа беморларга қараганда 15 марта кўп қилинади. Бир қатор муаллифларнинг маълумотига қараганда оёқ ампутациясининг 50-70 фоизи қандли диабет беморларига тўғри келади. 1993 йили Россияда қандли диабет беморларидан 12 минг нафари ампутация қилинган.

Диабетик тўпиқ синдроми ривожланиши патогенезида учта асосий омил рол ўйнайди: нейропатия, оёқ артерияларининг шикастланиши — инфекция.

Охирги омил кўпинча аввалгиларига қўшимча ҳолда кузатилади. Нерв ўзгаришлари ва периферик қон алмашинуви бузилишига қараб диабетик тўпиқ синдромининг 2 та асосий клиник шакли бор: нейропатик ва ишемик.

Кўпинча оёқдаги яра пойафзал тўғри танланмаганидан келиб чиқади, бунда тўпиқдаги ўзгаришлар унинг шаклини ҳам ўзгартириб юборади.

Оёқдаги яра катталашади ва ҳар хил инфекция (стафилококк, стрептококк, колибактерия) тушади. Патоген ва хавфли микроблар токсик моддалар ишлаб чиқаради, бу эса некротик ўзгаришлар пайдо бўлишига олиб келади. Йиринг мускулларга, кейин суякка ўтади ва катталашади. Бундай ҳолларда зудлик билан ампутация қилиниб, антибиотик қўллаш ва қондаги глюкоза миқдорини нормага келтириш керак.



Қандли диабети бор беморларни даволаш

Касалликни даволашда парҳез, қондаги глюкоза миқдорини туширувчи препаратлар, яъни 1-турда инсулин, 2-турда таблеткалар катта аҳамиятга эга. Парҳезда бемор ширинликлар, оқ нон, ширин мевалар, оқ ундан тайёрланган хамирли таомлардан ўзини тийиши керак.

Қандли диабет билан оғриган, лекин одатга кўра ширинликсиз тура олмайдиган беморлар шакар ўрнини босувчи маҳсулотларни истеъмол қилса бўлади. Мамлакатимизда кенг тарқалган сорбит, ксилит, сукрозит, цюкли, сластилин ва фруктоза шакар ўрнини босувчи маҳсулот ҳисобланади.

Касалликни инсулин билан даволаш

Қандли диабет касали бор беморларнинг тахминан 1/5 қисми углеводлар алмашинувини тартибга солиш учун инсулин билан даволанишга мажбур.

Соғлом киши овқатланганидан сўнг ошқозон ости бези зудлик билан қонга инсулин чиқара бошлайди. Қонда шакар миқдори ортиб кетганда ошқозон ости бези бу ҳақда сигнал олади ва шунга мос тарзда ишлай бошлайди. Диабет билан оғриган беморлар танасига инсулин тери остига юборилади ва у астасекин қонга қўшилади.

Инсулин дориларининг турлари кўп (актропид, актрофан, протофан, микстард, хумулин), уларнинг қайсисини қўллашни эндокринолог врач белгилаб беради.

Диабетнинг 1-турига чалинган кўп беморларда «инсулинга ўтмайман», «ўрганиб қолар экан», «зарари кўп» қабилидаги нотўғри фикр кенг тарқалган.

Диабетнинг 2-турида қўлланадиган қатор таблеткалар мавжуд (глибенкламид, оранил, амарил, манинил, глюренорм, диабетон). Шакар миқдорини камайтирувчи перорал дорилар билан даволаш қандли диабет касаллигининг 2-турида қўлланади. Бу дорилар иккита асосий гуруҳга ажратилади: сулфанилмочевина ва бигуанид. Фақат эндокринолог врач тавсияси бўйича берилади.

Лекин кўп беморлар врач тавсиясига риоя қилмайди ва гоҳида қонда глюкоза миқдори ошиб кетгандагина 3-4 кун дори ичади. Бу унга кейинчалик қимматга тушади. Юқорида ёритилган асоратлар кучаяди ва беморда кўрлик, жигар циррози, буйрак етишмовчилиги, бепуштлик, қорасон хуружини пайдо қилади, булар эса ўлимга олиб келади.

Шунинг учун бемор ўз касаллиги тўғрисида етарли даражада билимга эга бўлиши керак. Ҳамиша ёдда тутинг: ҳаётингиз қанчалик узоқ ва чиройли, бахтли кечиши сизнинг ўз саломатлигингиз ҳақида қанчалик узоқ ва сабот билан ғамхўрлик қилишингизга боғлиқдир.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ифтихор

Пекиндаги олимпия ўйинлари тугаши билан Президентимизнинг Лондон-2012 олимпиадасига пухта тайёргарлик кўриш ҳақидаги фармони эълон қилинди. 2009 йил 5 январда эса фармон ижросига оид Президент қарори ҳам чиқди.

Спорт миллатни улуғлайди

Айни пайтда ҳар бир терма жамоа мураббийлари, федерация раҳбарлари янги олимпиадага тайёргарлик циклини ишлаб чиқмоқда. 2010 йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтадиган Осиё ўйинларига пухта ҳозирлик кўриш Лондон олимпиадасига тайёргарликнинг ажралмас босқичидир. Чунки айнан Осиё ўйинларида ўзини кўрсатган спортчиларимиз Лондонга борувчилар рўйхатига ҳам кириши мумкин.

Юқоридаги фармон ва қарор, олиб борилаётган ишлар Ўзбекистонда олимпия спорт турларига давлат эътибори кучлилигини кўрсатади. Юртимизда спортнинг бошқа турлари ривожи қандай?

Ушбу савол билан 2008 йил энг яхши республика олий спорт маҳорати мактаби деб топилган Яккамаякка кураш турлари бўйича РОСММ директори ўринбосари Азамат Али Қаландаровга мурожаат қилдик.

— Ўзбекистонда спортнинг барча турлари ривожи учун кенг йўл очиб берилган, — дея таъкидлади А.Қаландаров. — Ҳар бир спорт тури бўйича йиллик режага киритилган мусобақалар ўтказилаяпти, терма жамоаларимиз халқаро майдонларда мамлакат шарафини ҳимоя қилмоқда. Масалан, ўтган йили самбо бўйича Тошкент шаҳрида ўсмирлар, ёшлар, қизлар ва катталар ўртасида Осиё чемпионати ўтди. Унда қитъанинг 28 та давлатидан спортчилар иштирок этиши ушбу чемпионатгача кузатилмаган эди. Баҳсларда Роман Шокиров устозлигидаги ўсмирлар, Фахриддин Пўлатов мураббийлигидаги ёшлар ҳамда Равшан Аҳмаджонов шогирдлари бўлмиш миллий терма жамоамиз спортчилари кўплаб медалларга эга бўлди.

2008 йил 9 — 12-октябр кунлари пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуасида ташкил этилган ўсмирлар ва ёшлар ҳамда қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 67 давлат самбочилари қатнашди. Якунда термамиз умумжамоа ҳисобида Россия ва Грузиядан кейин учинчи ўринни эгаллади.

Ноябр ойида эса Санкт-Петербургда самбо бўйича катталар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб, унда Дамир Муҳидов ва Элдор Ғуломов кумуш, Озод Пардаев, Акром Эшов, Зариф Расулов бронза медалини қўлга киритди.

2008 йил миллий курашимиз ривожи учун ҳам муҳим аҳамият касб этди. Республика чемпионати юқори савияда ташкил этилди. Мурод Дўсимбетов бош мураббийлик қилаётган ёшлар терма жамоамиз Туркиядаги жаҳон чемпионатида барча рақибларга кураш ватани полвонлари нималарга қодир эканлигини намойиш қилишди. Йигитларимиз Яҳё Имомов, Баҳодир Ғаниев ва Ширин Шариповлар жаҳон чемпиони бўлдилар.

Шунингдек, катталар жамоаси Эронда ташкил этилган қитъа чемпионатидан зафар билан қайтди.

Шавкат Мирзақулов бош мураббийлигидаги белбоғли кураш терма жамоаси эса Тогода ўтган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этди. Москвада ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида Акмал Нурматов олтин медалга эришди. Совриндор бўлган курашчиларимиз ҳам анча.

Тошкентда шотокан-каратэдо бўйича биринчи Осиё чемпионати ўтиб, унда Ўзбекистон каратэ миллий федерациясининг аёллар жамоаси муваффақиятли қатнашди.

Бу йил ёпиқ спорт иншоотларида навбатдаги Осиё ўйинлари, қитъа чемпионатлари ўтказилади. Ўзбек спортчилари яна халқаро ареналардаги ютуқлари билан халқимизни хушнуд этади деб ишонаман.

Футбол

Кумуш қишда кумуш натижа

Қатар пойтахти Доха шаҳрида ўтган анъанавий «Дўстлик» халқаро турнирида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси иккинчи ўринни эгаллади. Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари финалда суриялик тенгдошларига 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйди.

Таъкидлаш лозимки, бир йил аввал мазкур мусобақада ёшлар терма жамоамиз учинчи ўрин билан чекланганди.

Қардошлар дуранги

«Пахтакор» МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубогининг гуруҳ босқичидаги учинчи турда Қозоғистон чемпиони «Актобе»га қарши 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади.

Ҳисоб тошкентликлар томонидан очилди. Шавкат Муллажоновнинг тўп узатишидан кейин Ихероуме Уче Сиделников дарвозасини ишғол қилди — 1:0.

Биринчи бўлим сўнгида эса Тлешев жарима зарбаси билан пахтакорчиларни жазолади — 1:1.

Гуруҳнинг иккинчи учрашувида Россия чемпиони «Рубин» Арманистоннинг «Арарат» жамоаси устидан 3:2 ҳисобида ғалабага эришди.

Аршавин «Арсенал»да

Россия терма жамоасининг «Евро-2008»даги ажойиб ўйинлари туфайли бир қатор рус футболчиларига харидорлар кўпайганидан хабарингиз бор.

Шу кунларда «Зенит» аъзоси Андрей Аршавиннинг «Арсенал» (Лондон) жамоасига ўтиши деярли аниқ бўлди. Лондонликлар футболчини 17 млн. фунт-стерлинг эвазига сотиб олишга розилик билдирди.

Яна бир питерлик чарм тўп устаси Павел Погребнякка эса Германиянинг «Хоффенхайм» клуби жиддий қизиқаяпти.

Отаси рози

Трансфер

Шу кунларда барчанинг эътиборини тортган трансфер амалга ошадиган кўринади. Англиянинг «Манчестер Сити» клуби Италиянинг «Милан» жамоасига футбол тарихидаги энг йирик суммани таклиф қилмоқда: 107 млн. фунт-стерлинг!

Жаҳоннинг 2007 йилдаги энг яхши футболчиси отаси билан қўнғироқлашганда у ҳам ўғлига Англияга кўчиб ўтишни маслаҳат берди.

«Милан» раҳбариятининг «Бавария»дан Франк Риберини сотиб олиш ҳаракатига тушгани ҳам Какانинг кетиши билан боғлиқ бўлса ажаб эмас.

У энди мураббий

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг собиқ ярим ҳимоячиси Владимир Маминов Россия премер-лигасидаги сўнгги мавсумини ўтказгач, футболчилик фаолиятини расман якунлаганини эълон қилди. Ҳозир унинг «Локомотив» (Москва) клуби бош мураббийи Рашид Раҳимовга ёрдам бериши мумкинлиги ҳақида гапирилмоқда.

«Энди мураббийликка ўқимоқчиман ва шу мақсадда Москвадаги мураббийлар олий мактабига ҳужжат топширишни кўзлаяпман», — деди тажрибали футболчи.

Сафар олдидан

ЎФФ мажлислар залида Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимов ва «Бунёдкор» сардори Сервер Жепаров иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— Миржалол ака, айтингчи, 28 январ куни БАА билан бўладиган 2009 йилдаги илк расмий учрашувда фақатгина шу эълон қилинган 23 футболчи орасидан ўйинчиларни танлаб оласизми ёки унгача яна ўзгаришлар бўладими?

— Таркибдан фақатгина битта легионер — Эроннинг «Пас» жамоаси ҳужумчиси Шаҳбоз Эркинов жой олган. Қолган легионерларимиз эса январ ойидан бошлаб ўз клубларида шуғуллана бошлашди. Шу боис уларни безовта қилиш тўғри бўлмайди. Шуларни инобатга олиб, асосан, ички чемпионатимизда тўп сураётган йигитлардан иборат таркиб билан БААга боришни режалаштирдик. 11 феврал куни Баҳрайн термасига қарши ўйин олдидан ўтказиладиган йиғинга барча легионерларимиз ташриф буюришади.

— Шаржада ташкил этиладиган ўртоқлик учрашувлари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Деярли икки ҳафта давом этадиган йиғин чоғида 4 та ўйинда майдонга тушамиз. 28 январ куни БАА термаси билан бўладиган 2011 йилги Осиё чемпионати саралаш босқичи доирасидаги баҳс сўзсиз энг муҳими саналади. Шунингдек, 24 январда Россиянинг «Зенит» клуби ҳамда 1 февралда Озарбойжон терма жамоасига қарши майдонга тушишимиз аниқ бўлган. Шу ойнинг 30-санасида Прага-нинг «Славия» клуби билан бўладиган ўйин эса ҳозирча сўроқ остида турибди. Бу масалани у ерга боргач ҳал қиламиз.

— Марказий ҳимоячи муаммо бўлиб турган бир пайтда Асрор Алиқуловни захира футболчиси сифатида қайд этдингиз. Бунинг сабаби нимада ва марказда Анзур Исмоиловга шерик бўлиш учун кимнинг имкониятини юқори баҳолайсиз?

— Ҳеч кимга сир эмас, ҳозир терма жамоани ёшартириш устида иш олиб бораяпмиз ҳамда имкон қадар истеъдодли ёшларни таркибга жалб қилаяпмиз. Бунинг сабаби ҳам шу билан боғлиқ. «Марказий ҳимояда Анзурга ким шерик бўла олади?» деган саволингизга ёшлар терма жамоаси аъзоси Ислом Тўхтахўжаевни кўрсатган бўлардим.

— Сервер, Осиёнинг энг яхши ўйинчиси деб топилганингиздан сўнг бир ой муддатга Лондоннинг «Челси» клубига малака ошириш учун боришингиз ҳақида кўп гапирилганди. Бу сафар қачон амалга ошади?

— Истаган пайтда боришим мумкин. Фақат бунинг учун менда вақт топилмаяпти. Гоҳ терма жамоа йиғинида, гоҳ клуб билан машғулотларда бўлаяпман. Лекин бўш вақт бўлди дегунча, албатта, Лондонга боришни хоҳлардим.

Сахифани Акмал АБДИЕВ тайёрлади

Буш Вашингтондан кетди

«Frans Presse» ахборот агентлигининг маълум қилишича, АҚШнинг собиқ президенти Жорж Буш 20 январ куни мамлакатнинг 44-президенти Барак Обаманинг президентлик қасамёди маросимидан сўнг ҳарбий вертолётда Вашингтонни тарк этди.

Вертолёт Буш ва унинг хотинини Мэриленд штатида жойлашган ҳарбий ҳаво кучлари базасига элтиб қўйган. У ердан эса эр-хотин Техас штатига самолётда учиб кетишди.

Вертолёт трапига собиқ президентни Барак Обама турмуш ўртоғи билан, шунингдек янги вице-президент Жо Байден кузатиб қўйишди.

Эслатиб ўтамиз, президентликка тайинланиш маросимида икки миллионга яқин одам қатнашган. АҚШнинг янги президенти ўз нутқида мамлакат аҳолисини иқтисодий муаммоларни ечиш учун бирлашишга чақирди.

Судянинг машинасидаги жасад

Украинанинг Киев вилоятига қарашли Подлески посёлкасида 20 январ куни эрталаб «Nissan» русумли автомашинадан шахси номаълум жасад топилган. Бу ҳақда «РБК-Украина» хабар беради.

Аниқланишича, мазкур автомашина мамлакат Олий хўжалик суди раиси Сергей Демченконинг номига расмийлаштирилган. Маҳаллий ҳуқуқ-тартибот органларининг хабар беришича, айни пайтда ёнғин хавфсизлиги ходимларидан иборат экспертлар гуруҳи автомашина ёнишининг сабаблари ҳамда унинг ўриндиғидаги жасаднинг шахсини аниқлашга ҳаракат қилмоқда.

Маошлар қисқартирилди

Литва парламенти депутатлар ва ҳукумат аъзоларининг маошини камайтириш ҳақидаги таклифни маъқуллади. «Delfi.lt.» агентлиги шу ҳақда хабар беради.

Сейм қарорига кўра, парламент аъзоларининг маоши тахминан 15 фоизга қисқаради. Шу чоққача депутатлар 8,2 минг лит (3050 доллар)дан маош олган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 7000 литни (2600 доллар) ташкил этади.

Сейм спикери Арунас Валинскас эса маошларни тенг ярмига қисқартиришни таклиф этди. Бироқ бу таклиф инобатга олинмади.

Вазирларнинг ойлик маошлари 13,3 минг литдан (тахминан 5000 доллар) 10,1 минг литгача (3800 доллар) камайтирилади. Ҳаммаси бўлиб маошларни қисқартириш эвазига 2,2 миллион лит (820 минг доллар) иқтисод қилиниши кўзда тутилмоқда.



Галилей шубҳа остида

Италиялик олимлар Галилео Галилейнинг туғма касаллиги туфайли кўриш қобилияти суст бўлганини исботлашмоқчи. Уларнинг фикрича, айнан шу нуқсон унинг астрономия соҳасидаги кашфиётларига салбий таъсир қилган.

Мазкур фаразни исботлаш учун Флоренция фан тарихи институти олимлари Галилейнинг Сан-Кроче ибодатхонасидаги қабрини очиб, ДНК текшируви ўтказишмоқчи.

«Агар ДНК текшируви Галилейнинг туғма касаллик туфайли кўриш қобилияти суст бўлганлигини тасдиқласа, унинг нима сабабдан Сатурн сайёрасининг ҳалқасини кўрмаганлигига аниқлик киритилади», — дейди институт раҳбари Паоло Галуззи.

1610 йилда Галилей Сатурнни илк бор телескоп орқали кузатишга муваффақ бўлган. Ўшанда олим сайёра атрофида иккита доғ борлигини аниқлаб, улар Сатурннинг йўлдошлари бўлиши мумкин деган фикрни билдирган. 1655 йилда эса Христиан Гюйгенс мазкур доғлар Сатурннинг ҳалқаси эканлигини исботлаган.

Шу чоққача Галилейнинг Сатурн ҳалқасини кўрмаганлиги у ихтиро қилган телескопнинг кучсиз бўлганлиги билан изоҳлаб келинарди. Бироқ италиялик олимлар бунга унинг кўриш қобилияти сустлиги ҳам сабаб бўлганлиги ҳақидаги даъво билан чиқишмоқда. Маълумки, умрининг сўнгги кунларида Галилей кўр бўлиб қолган.

ДНК текшируви ва қабрни очишга рухсатнома учун олимларга 300 минг евро керак бўлади. Қолганини эса вақт кўрсатади.



Танганинг иккинчи томони

Хитойнинг Цзянсу вилояти раҳбарияти Сюйчжоу шаҳри аҳолисига интернет орқали кишиларнинг шахсий ҳаётини муҳокама этишни тақиқлаб қўйди. Шунга оид қарор жорий йилнинг июн ойидан бошлаб кучга киради.

Маъмуриятнинг бундай қарорга келишига интернетда маҳаллий амалдорлардан бирининг сурати пайдо бўлиши сабаб бўлди. Унда амалдор қўлида 14,5 минг долларлик соат тақиб, қутиси 20 доллар турадиган сигарет чекиб турган ҳолда тасвирланган.

Мазкур суратнинг эълон қилиниши интернетдан фойдаланувчиларнинг норозилигига сабаб бўлди. Негаки, амалдорнинг маоши унча катта эмас экан. Шу боис амалдорга нисбатан коррупцияга оид айбловлар ёғилди. Бир ой аввал эса уни ишдан олишган.

Маъмуриятнинг қарорига келсак, у кучга киргач, интернетдаги бундай чиқишлар жазоланади. Уларни сайтга жойлаштирганлар эса 850 доллар миқдорида жаримага тортилади ва ярим йил мобайнида интернетдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Ажали етган ўлади

«Ananova» агентлигининг хабар беришича, германиялик 41 ёшли киши поезд остига йиқилиб, омон қолган. Воқеа мамлакат шарқидаги Бранд шаҳрида рўй берган. Маълумотларга кўра, Йенс Мауэр шу даража маст эдики, темирйўл станциясининг нариги томонига ўтаётиб релслар ўртасида йиқилиб тушгач, ўрнидан тура олмаган. Айни шу пайтда бекатга поезд яқинлашаётган эди.

Мауэрга зудлик билан тиббиёт хонасида ёрдам кўрсатилди. Унинг бир неча жойи тилинганини ҳисобга олмаса, жиддий жароҳати йўқ экан.

Полициячи аёллар

Швеция миллий полиция академиясининг 39 йиллик тарихи мобайнида илк бор ўқишга аёллар эркакларга нисбатан кўп қабул қилинди.

Стокголмдаги ўқув биносига 77 нафар эркак ва 81 нафар аёл ташриф буюрди. Машғулотлар шу йилнинг март ойидан бошланади. «Аёлларнинг кўпроқ полициячи бўлиш ниятида келишаётгани қувонарли ҳол», — дейди академия директори.

Швеция гендер тенглик бўйича тараққий этган давлатлардан бири ҳисобланади. Шундай бўлса-да, сўнгги вақтгача полиция идораларидаги эркаклар сони аёлларга қараганда кўпчиликни ташкил этарди.

Маҳбуслар учун махсус

Буюкбритания ҳукумати махбуслар учун радиостанция очишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда «The Telegraph» агентлиги хабар тарқатди.

Тахминларга кўра, мазкур станция суткасига 12 соат мобайнида Англия ва Уэлсдаги 140 та қамоқхонага хизмат қилади. Радиоэшиттиришлар кўнгилочар дастурлар ҳамда маҳбуслардан олинган ёки уларга аталган хабарлардан иборат бўлади. Ҳисоб-китобларга кўра, станцияни ишга тушириш учун икки миллион фунт-стерлинг маблағ кетади. Мазкур маблағ давлат бюджети ёки ҳомий ташкилотлардан олиниши мумкин.

Бироқ ҳукуматнинг айрим аъзоларига бу режа маъқул тушмаяпти. Уларнинг фикрича, маблағни бекорга сарфламай, уни махбусларнинг яшаш шароитини яхшилашга ишлатган маъқул.

Интернет хабарлари асосида Ж.ШАРОФБОЕВ тайёрлади



Изоҳи сиздан...

Кўрганларим ҳақиқат.
Айтиб бўлдим сўзимни.
Не сабабдан билмадим,
Беркитасиз кўзимни.

***

Осилсамда, арчага,
Шўх ва шодон турардим.
Олиб ерга ташлашгач,
Қандай қилиб кулардим.

Асадулла МИРЗААКБАРОВ
«Ҳамкорбанк» ОАТБ
бирлашган касаба
уюшмалари
қўмитаси раиси

***

Қани топсинчи ҳамма,
Мен қай жонивор тури.
Қуёнманми, мушукми,
Тулкими ёхуд бўри?!

***

Олтигача санайман,
Қорангни кўрмай Мошвой.
Гар кичкина бўлсамда
Билиб қўйгин, ҳолинг вой.

***

Мушуквойлар бекининг,
Бекинмачоқ ўйнаймиз.
Ёшлик гаштини суриб,
Биргалашиб кувнаймиз.

Азизбек НОРОВ,
Қарши шаҳри

Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

Силкитма терапия

Святослав Ешенко

Колхоз раиси хўжалик мулкини қишлоқдаги соф виждонли, ҳалол меҳнаткашларга бўлиб бермоқчи бўлди. Яъни, уч кишига. Раисга ҳамма техника, агрономга ҳамма ер, зоотехникка чорва моллари, соғувчилари билан.

Мен дедим:

— Степанич, мен биринчи даражали компаньонингизман-ку. Илғорман. Менга ҳеч нарса тегмади.

— Агар илғор бўлсанг, юк машинасини олақол.

У юк машинасини партизанлар Наполеондан тортиб олган. Шунақанги силкитадики, пешонангни пешойнага уриб оласан.

«Худо, агар бор бўлсанг, раисга бир кўрсатиб қўй», — дедим ичимда.

Тасаввур қиласизми, эртасига эрталаб раисни туман марказига чақириб қолишибди. Шофёри Васка эса «ўчиб» қолган экан. Раис олдимга келди.

— Ван, марказга ташлаб қўй.

Мен дедим:

— Ўтиринг. Кузовга.

— Нимага кабинага эмас?

— Кабинада Машенка бор. Иккавларинг сиғмайсизлар бу қорнингиз билан.

Кузовдаги раисни шунақанги силкитдимки, нариги дунёда ҳам эсидан чиқмаса керак. Марказга етдик. Раис кузовдан арчилган тухумдай бўлиб тушиб келди.

— Раҳмат, сенинг юришингдан қорним ичига тортилиб кетди. Доим совутгич ёнига боришга халақит берарди. Егуликни полга ётиб олардим.

«Бу қанақаси, — ўйладим, — ёмонлик қиламан деб яхшилик қилиб қўйибман-ку. Машинани синаб кўриш керак».

Қайнонамнинг эри қилтириқ эди. Бир неча марта машинада айлантиргандим, териси билан суягигина қолди. «Ажаб бўлсин қайнонамнинг эрига», — дедим. У эса:

— Ташаккур, куёвгинам, сенинг машинанг сабабли мени ишга олишди, мактабга, биология кабинетига. Скелетлик вазифасига, — деди у қувониб.

Скелетни ўғирлаб кетмасликлари учун қоровул тайинлашибди. Қайнонамни. Мана, яна яхшилик қилибман. «Энди қайнонагинам сал жағини ёпиб юрар», — деб ўйладим. Э, қаёқда!

Шундан кейин бир куни уни олиб кетарканман, шунақанги силкитдимки, арикдан ўтаётганимизда тўппа-тўғри сувга шалоплаб тушди. Сувдан ўтлар илашиб, лойга ботиб, зулукларни ёпиштирганча тошбақадай чиқиб келди. «Мана, боплаб ўч олдим», — деб ўйладим. Аммо уйга қайтганимизда у менга гуммалар пишириб берди.

— Қайси гуноҳим учун? — сўрадим мен.

— Ариқнинг балчиғи шифобахш экан, шунинг учун, — жавоб берди у. — Радикулитим дарров ўтиб кетди. Сен бўлсанг «Сизни қабристон чақираяпти» деб юрувдинг.

У ашула айтиб юборди. Мен ҳеч балога тушунмай қайнонамнинг гуммалари тепасида турарканман, зоотехник пайдо бўлди.

Ҳажвия

— Ванек, бир айлантириб келгин.

Вақтим йўқ, лекин нима ҳам қилардим. У бақувват одам, худди Селвестр Сталлоненинг ўзи. Кузовга чиқариб олдим, айлантираяпман. Бир соат, икки соат, уч, беш соат. Зоотехник чидаяпти. У ҳатто кула бошлади. Ҳеч ўзини тўхтата олмайди. Машина силтаганда буйрагидаги ҳамма тошлар тўкилиб кетибди.

Бир ҳафта бурун Крупскаянинг тенгдоши бўлмиш холамни роса силкитиб, элаб айлантирдим. Шунақанги силкитдимки, ўпкаси тўнкарилиб кетди. У эса хурсанд.

— Қўзичоғим, шунақанги силкитдингки, қитиқларим келиб ҳамма эрларимни эслаб юбордим, — дейди.

Тунов куни Японияда бизга бир киши иш ўрганишга келди. Уни ҳам машинамда айлантирмоқчи бўлдим. «Японлар биздан яхши яшайди, менинг силкитишимдан кейин чидаёлмай ўзини харакири қилса керак», — деб ўйладим. Олиб кетдим. Бир соатлардан кейин тўхтадим. У кузовдан тушиб кабинага кирди-да, мени ўпа кетди.

— Ваня сан, келинг, қўшма корхона очамиз, — деди у.

— Рус ишбилармонлари хорижга сотилмайди.

— Ваня, ойига минг доллар тўлайман. Ўйла.

Мен ўйлай бошладим: «Соф виждонли илғор бўлсаммикан ёки виждонсиз бой?».

Ориф ФАРМОН таржимаси

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи масъулияти чекланган жамияти

*** Россия Федерациясининг ВАЗ-21041 ва ИЖ-27175 ҳамда ВАЗ-2107 автомобилларини нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотишини маълум қилади.**

ВАЗ-21041

ИЖ-27175

*** Автомобилларга божхона солиғи тўланган.**
*** Уларнинг сифати тўла кафолатланади.**



ВАЗ-2107

Манзил: Фарҳод ярмаркаси, 3-қатор.
Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 276-33-51, 276-77-20.
Факс: (8-371) 276-97-40

Матрослар кийими қандай пайдо бўлган?

Болалигимизда ҳарбий денгиз флотлари тўғрисидаги филмларни кўрганда матросларга ҳавас қилар, айниқса, уларнинг эгнидаги либосларга эга бўлишни орзу қилардик. Болаларча тилакларимизнинг бир учи келгусида ана шу либос соҳибига айланиш фикри билан туташар эди...

Кўпчилик матросларнинг кийимини денгиз ва унинг рангига мос ўйлаб топишган деб ўйлайди. Аслида ундай эмас. Ҳаммасига Англия қироли Георг II нинг тонгдаги сайри сабаб бўлган.

Георг II одатига кўра ҳар куни тонг чоғи табиат энг гўзал бўладиган вақтда сайрга чиқарди. Бу пайтда у кезадиган «Гейдпарк»да одам кам бўлар эди.
Аммо...

Либослар тарихидан



Ўша куни қирол оппоқ отда сайр қилаётган герцогиня Бредфордга кўзи тушиб қолади. У кўк кўйлак кийиб олган, бўйни аралаш елкаларига тушиб турган оқ шарф ўзгача латофат касб этганди. Қирол ёш хонимнинг отдаги ўтиришига, нозли карашмасига маҳлиё бўлиб қолади. Уни кўпроқ оқ ва кўк ранглар уйғунлигида ғоят нозик дид билан тикилган кўйлак қизиқтириб қолганди. Георг II нафақат гўзал хонимларнинг шайдоси, балки Британия ҳарбий флотининг ҳам жиддий ишқибози эди. У сайрдан қароргоҳига қайтиши билан ҳарбий флот адмиралларига тонгда олган таассуротларидан келиб чиқиб, оқ ва кўк ранглар уйғунлигига асосланган матрослар кийимини яратиш истагини баён қилади.

Бу вазифага тезлик билан киришилади. Бу пайтда матрослар ҳар хил уст-бошда, масалан, офицерлар оқ-қизил шим кийишар, устки либослар эса мовий ёки сариқ тусда бўларди. Матросларда бу борада ҳеч бир қатъий тартиб бўлмаган. Улар истаган кийимини, хоҳлаган рангдаги либосни кийиши мумкин эди.

Тез орада янги кийим тайёр бўлади. Уни кўргач, матрослар ҳам жуда қизиқиб қоладилар. Қирол Георг II таклиф этган либос барчага манзур бўлди. Кўп ўтмай у бошқа мамлакатларда ҳам жорий этилди. 19-асрга келиб эса савдо-сотиқ билан шуғулланувчи кемаларда ҳам айнан Георг II таъсис этган матрослар кийими татбиқ этила бошланди.

Жамшид НИЁЗОВ

Ishonch

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Норманат Аллаёров, Носирхон Ахбаров, Ойсулув Нафсова, Пирмақул Ҳодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев

Бизга қўнғироқ қилинг: Котибият: 256-52-78; Ҳатлар бўлими: 256-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.

Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашриётдан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (R) белгиси остида чоп этилади.

ISSN 2010-5002

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи - А.Абдиев
Мусаҳҳиҳ - Ш.Абдусамадов

Саҳифаловчи-дизайнер: Ҳ.Абдужалилов

Буюртма Г—15 Тираж: 19869

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.00

Сотувда эркин нарҳда 2345678